



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ГАЗЕТАСИ

15 ФЕВРАЛЬ
№ 34-35
(1551-1552)
ШАНБА
1997 йил

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ ЯШАШ - ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

ФАРГОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

14 февраль куни халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда мазкур вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, республика вазирларни, қўмита, концерн, ўюшма, корпорация, идора ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. М. Исломов пенсияга чиқиши муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Республика Президенти Ислом Каримов тавсиясига биноан Бешариқ тумани ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Нўймонжон Мўминов Фарғона вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президент Ислом Каримов сессияда нутқ сўзлади.

Сессия ишида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосарлари И. Жўрабеков, К. Обидов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Фуломов, Ё. Жалолов, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов қатнашди.

Президент Ислом Каримов шу куни Тошлоқ туманида ишга туширилаётган «ДЭУ текстил компани» корхонасини кўздан кечирди. Корхона раҳбарлари ва муҳандислари билан сұхbatлашди.

Мазкур корхона курилишига 38 миллион АҚШ доллари миқдорида капитал маблаг сарфланмоқда. Бу ерда маҳаллий хомашёни қайта ишлаб, йилига 13 минг тонна жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган ип йигирилади. Давлатимиз раҳбари чет элга сотилиши мўлжалланаётган маҳсулотнинг камидага 50 фоизи тайёр ҳолда бўлиши, маҳаллий ёшлардан замонавий технологиянинг барча сир-асрорларини биладиган мутахассислар тайёрлаш лозимлигини, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш мұхим аҳамиятта эга эканлигини тъъкиллади.

(ЎзА.)


(Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. А. Каримовнинг Фарғона
вилоят кенгаши сессиясида
сўзлаган нутқи матнини
газетамизнинг 2, 3, 4-
саҳифаларида ўқыйсиз).



14-бет.

Кор завқи.

«Туя етаклаган одам». 10-бет.



6-бет

«ТАДБИРКОРЛИК
МАСЪУЛИЯТИ»

(Давоми. Аввали 2,3-бетларда).

Бу -- заифлик ифодаси эмасми? Бундай кайфиятда юрганлар мутлақа раҳбарликка муносаб эмас. Агар раҳбар маъсулитни ўз елкасига олмаса, бу унга ишоншиб сийлаган одамларни алдаш, уларга хиёнат қилиш билан баробар.

Битта ўзини йўқотган қобиляйтисиз одам раҳбар бўлиб қолаверса, бунинг жабру жафосини минглаб одамлар торади. Нимага деганда, бугунги оғир ўтиш даврида, буюк бобомиз Амир Темур ҳазратларининг **битта оқил ва тадбиркор инсон минг-минглаб локайд, бепарво ва тадбирсиз одамлардан афзалроқдир**, деган мазмундаги сўзлари гоят мухим замонавий мазмун ва аҳамият касб этади.

Албатта, Фаргона вилоятида ўз эл-юртенинг қадрига стиб обрў топаётган фидойи раҳбарлар кўп. Улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан ҳалқимизнинг баҳт-саодати, юртимизнинг истиқболи йўлида курашмоқдалар, мамлакатимиз тараққиётига ўз хиссаларини қўшимоқдалар.

Азиз дўстлар!

Биз қадрлар тандови, уларни тарбиялаш, уларнинг билими ва истеъодидан оқилона фойдаланиш ҳақида кўп гапирамиз. Афуски, кўп ҳолларда бу соҳадаги ишларимиз кутилган натижаларни бермаяпти.

Раҳбар ходимларни саралаш, уларни тайёрлашда биз ҳанузгача замонавий самарали тизим ва тартиби шакллантира олганимиз йўқ. Бизда эскидан қолган «қадрлар резерви» деган гап бор. Бунинг нима эканини шу залда ўтирганлар яхши билади. Оддий қилиб айтганда, бу ёртага масъул раҳбарлик, етакчи мутасадди лавозимларини эгаллайдиган кишиларнинг рўйхати.

Ҳўш, бу рўйхат қандай асосда тузилади? Қадрлар заҳираси қайси услугуда тайёрланади?

Тан олиб айтиш керакки, жойларда, жумладан, Фаргона

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ ЯШАШ - ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

вилоятида ҳам бу борада олиб бораётган ишлар юзаки. Заҳира рўйхатига аксарият ҳолларда ишнинг кўзини билдиран, тадбиркор, билимдон, азму шижаотли кишилар ўрнига ҳамтовақлик, ошнагайнгарчилек, қариндош-уругчилик асосида ташланган тасодифий одамлар кириб қолмоқда. Оқибатда қадрлар сиёсатимизда жиддий оқсаншлар вужудга келмоқда.

Айниқса, бу ҳол жамоа ҳўжаликларига раис тайёрлаша яққол сезилимкоқда. Ҳўжалик раиси -- қишлоқ жойларда жуда катта ва масъулиятли вазифа. У шу қишлоқнинг отаси, элнинг яхши-ёмон кўнларига жавоб берадиган шахс. Яъни, бошқача қилиб айтганда, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган, умуман қишлоқда яшаётган аҳолининг ҳаёт тарзи, уларнинг оладиган даромади кўп жиҳаддан мана шу раис, ҳўжалик раҳбарига боғлиқ. Ҳўш, шундай экан, раисларни ташлаш, уларни ўқитиш, замонавий билим бернибизда қандай ташкил этилган? Очиғини айтсан, ҳеч қандай.

Бугун ҳаёт, давр тараққиётни қадрлар тандови, уларнинг тарбияси ва билим-малакасини ошириш, савиасини, юксалитириш борасида замонавий услубларни қўллашни тақоюз этмоқда.

Вижонли, юртпарвар одамларимиз, ёшлиларимиз бор, аммо уларнинг тажрибаси йўқ. Ҳўш, биз уларга тегиши тажриба ва малақани, замонавий бошқарув асосларини қаердан олиб ўргатамиш?

Тилимизда «муовин» деган сўз билан бирга «ўринбосар» деган жуда маъноли сўз ҳам бор. Чукурор, ўйлаб қарасак, бунинг мазмумни шуки, ўринбосар одам керакли дақиқада, исталган шароитда бошилқнинг ўрнини боса оладиган, раҳбарининг ишини юксак савиасида давом эттиришга қодир кучли шахс бўлиши зарур. Афуски, қундаклир турмушимизда биз кўпинча бунинг тескарисини кўрамиз.

Агар бирор катта раҳбарга, у ҳоқим бўладими, вазирми, ўзинги бир мувонин топинг, дейилса у қандай одамни ташлайди? Табиийки, ўзининг измиди юрадиган, гап-қайтармайдиган, шахсий садоқатли, ўзидан савиаси пастроқ, ҳеч қаҷон ўзининг ўрнини босолмай-

диган одамни ташлайди. Натижада биз бутун шундай аччиқ ҳақиқатга дуч келиб турбимиз: катта бир раҳбарнинг еттига муовинидан бироргаси ҳам бугун унинг ўрнини эгаллашга муносаб эмас. Нега? Чунки ўша бошлик ўзидан кучлироқ қадрни яқинига йўлатмаган, уларнинг қобилиятини намоён қилишига йўл бермаган.

Бухоро вилоят сессиясида айтган гапимиз яна тақорламоқчиман: ёш йигит-қизларни, олий маълумотли, билимга ташна, иштубувчан, иймони бакувват ёшларимизнинг рўйхатини тайёрлаш, уларни тўрт-беш йилдан кейин мана шундай масъулиятига лавозимларга тайинлаш юзасидан изчил тарбиявий иш олиб бориши зарур. Албатта, ўзимизнинг ва хорижий мамлакатларнинг илгор компания, фирма, банклари ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги замонавий бошқарув тизимини ўрганиш учун уларга керакли шароит туддигириб беришимиз зарур. Бўлажак раҳбар қадрлар заҳирасини тузганда холислик ва ҳалоллик бош мезон бўлиши шарт. Бу масалани ҳал қиласдан турб жамият олга силжий олмайди.

Уз тажрибамиздан, ҳаётимиздан яхши биламизки, тоталитат тузумнинг асосий зиддияти ишга онгли муносабатнинг йўқлиги эди. Бу тузумнинг табиати бундай муносабатни кушламас, мозҳият ётибори билан уни рад қиласи эди. Экиш ҳам, сугориш ҳам, ягана ҳам тепада тушган бўйруқ билан бошларни сотиб юради.

Минг афуски, бизда ҳали-ҳануз ўша ёки тузумнинг асосати сезилимиздан ҳаётимиздан яхши биламизки, тоталитат тузумнинг асосий зиддияти ишга онгли муносабатнинг йўқлиги эди. Бу тузумнинг табиати бундай муносабатни кушламас, мозҳият ётибори билан уни рад қиласи эди. Экиш ҳам, сугориш ҳам, ягана ҳам тепада тушган бўйруқ билан бошларни сотиб юради.

Фаргона вилоятининг иқтисода, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалик тармоқларида кўпигина ечинмаган муммалор мавжуд. Биз, албатта, бу муммаларнинг ечиними топамиш. Аммо қадрлар масаласи билан боғлиқ муммаларни қандай ҳал қиласи муммалорни бўйруқка ўрганган одамлар онгни қандай ўзгаришамиз?

Бу масала бутунги куннинг энг

муҳим, долзарб масаласи бўлиб туриди. Барча бўғиндаги катта-кичик раҳбарларимиз бу масалани жуда чуқур тушуниб олишлари зарур.

Хорижий мамлакатларда, илгор гарф давлатларида ишни ташкил қилиш бутунлай бошқача. У ерда фирмами, корхонами, биринчи галда эртага оладиган фойдасини ўйлади. Фойда олмаса, унинг иши касод бўлади. Шунинг учун корхона ёки фирма эгаси ҳар томонлама кучли, ишнинг кўзини биладиган, янгиликка интиладиган, рақобатта ўрганган, рақобатни сиғадиган одамлар билан ишлаша мажбур. Бизда эса аҳвол аксинча: айрим раҳбарларимиз аввало ўз чўнгтагини ўйлади. Айтайлик, у бир-икки гектар ерни «яхши муомала» қилган ижарачига берид қўйса бас, пичоғи мой устида. Ҳўжалик ёки ташкилотнинг қарзга боттани ҳам, режалар барбод бўлгани ҳам, ишлаб чиқарилган сифатсиз мол сотилмай ётганни ҳам, ишчиларга олаб маош берилмаётгани ҳам уни асло безовота қўлмайди.

Куруқ гаплар билан, баландпарвоз шиорлар билан одамларнинг энсанини қотиради. Бугун кўп жойларда ўшилдиган гапларни олиб кўрсак, мазмуни бир хил: минг раҳмат Президентимизга, мана, ҳукумат қарзимизни кечди, энди биз бундан руҳланиб, янги мавсумда планларни, режаларни қотириб ташлаймиз, деб сафсата сотиб юради.

Ҳўш, бу ҳолатнинг асосий сабаби нимада?

Асосий гап шундаки, бизда ҳали-ҳануз мулк шаклининг ҳақиқий маънода ўзгармаганида. Мулк ўз эгасини топмаганида. Ҳар бир ҳўжалик, ҳар бир корхонанинг одийи ишчисидан тортшиб боп раҳбарнинг ага, кадрлар ҳар қандай масалага оқилона ва одилона ёндашиб, масъулияти бўйни олмас экан, ишни мизда ижобий ўзгаришлар юз бермайди.

Фаргона вилоятининг иқтисолида, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалик тармоқларида кўпигина ечинмаган муммалор мавжуд. Биз, албатта, бу муммаларнинг ечиними топамиш. Аммо қадрлар масаласи билан боғлиқ муммаларни қандай ҳал қиласи муммалорни бўйруқка ўрганган одамлар онгни қандай ўзгаришамиз?

Бу масала бутунги куннинг энг

раҳбарлик лавозимларига ёки сарқиғлардан ҳалос бўлган, янгиликка интидувчан ёшларни кўтариши керак.

Ёки кадрларнинг касб мамлакатларда, илгор гарф давлатларида ишни ташкил қилиш бутунлай бошқача. У ерда фирмами, корхонами, биринчи галда эртага оладиган фойдасини ўйлади. Фойда олмаса, унинг иши касод бўлади. Шунинг учун корхона ёки фирма эгаси ҳар томонлама кучли, ишнинг кўзини биладиган, рақобатта ўрганган, рақобатни сиғадиган одамлар билан ишлаша мажбур. Бизда эса аҳвол аксинча: айрим раҳбарларимиз аввало ўз чўнгтагини ўйлади. Айтайлик, у бир-икки гектар ерни «яхши муомала» қилган ижарачига берид қўйса бас, пичоғи мой устида. Ҳўжалик ёки ташкилотнинг қарзга боттани ҳам, режалар барбод бўлгани ҳам, ишлаб чиқарилган сифатсиз мол сотилмай ётганни ҳам, ишчиларга олаб маош берилмаётгани ҳам уни асло безовота қўлмайди.

Азиз дўстлар!

Қадрли депутатлар!

Фаргона ҳақида, унинг хушфөйли ва оққунгил одамлари тўғрисида ҳамма вақт яхши гапларни гапиргинг келади. Чунки фаргоналар азалдан ҳалол меҳнатлари бой маънавий фазилатлари билан мазлум ва машҳур бўлиб келишган. Биз бугун, жамиятимизни тубдан янгилаётган бир пайтимизда, ана шундай одамларни юксак қадрлаймиз. Уларнинг иззатини жойниб кўямиз.

Фаргона ҳақида ҳар нарсага қодир, изланувчан, бунёдкорлик иқтидори юксак ҳалқидир. У ўзининг бой маънавий анъаналарини, деҳқончилик маданиятини, ишлаб чиқариш салоҳиятини юксак қадрлаб, мамлакатимиз равнакини таъминлашда муносаб эхисса қўшадиган олижаноб ва мадд ҳалқ.

Мен бугун ана шу минбардан туриб Фаргона ҳалқига, бутун воидий ҳалқига чуқур меҳр-муҳабатимни иззор қиласам. Зотан, меҳрға меҳр билан, садоқатта садоқат билан жавоб бериши ҳалқимизни азалий удумидир.

Мамлакатимизнинг буюк ва ёрғу келажагини яратиш, иншо-оллоҳ, ҳаммамизга насиб этай! Бундай ишларимизда Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлгай!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оиласига тинчлик-омонлик, Ватан ва ҳалқ манғафтари ўйлидаги хизматларингизга барказ тилайман.

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидағи элчихонаси матбуот хизматининг маълум қилишича, 13 февраль куни бу ерда Ўзбекистон билан Мали Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш ҳақидаги протокол имзоланди. Ҳужжатни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидағи Фавқулодда ва Мухтор элчиши Шомансур Шоҳалилов ва Мали Республикасининг Россия Федерациясидағи Фавқулодда ва Мухтор

эрлеси Абдулай Шарл Даниоко имзолади. Ўзаро сўхбат чоғида ҳар икки мамлакат дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан Мали Республикаси ўртасидағи дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли иқтисодий, маданий ва илмий-техник алоқалар ривожига асос солинганини таъкидлайдилар.

(ЎЗА).

БАДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Юртошишимизнинг шу йил 23 январдаги «Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил этиш ҳақида»ги Фармони республика маънавий ҳаётидаги янги имкониятларга йўл очгани, унинг ҳаётбахши руҳи жами ижодкорлар қалбida чексиз фарҳ билан бирга масъулият уйғоттани ҳаётидаги балъи тузилмаларни ислоҳ қилиш, аниқроқ айтганда, тоталитар тузумнинг ташкилтида қарор топган мағкуравий бошқараш тизимидан ҳақиқий ижодкорликни рабтаблантирувчи тузилмаларга ўтишини ҳам талаб қилмоқда. Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг навбатдан ташқари курутойда худди шундай долзарб масалаларга муносабат билдирилди. Уюшманинг барча шўбаларидан сайланган юзга яқин делегат қатнашган анжуманди Ўзбекистон Бадиий академияси таркибида Бадиий ижодкорлар уюшмаси ташкил этилиши муносабат билан Ўзбекистон Рассомлар уюшмасини қайта тушиш ҳақидаги масала кўриб чиқиди. Бу ҳақида Рассомлар уюшмасининг раиси Т. Миржалолов маъруза қилиб, Бадиий академияни тушиш ҳақидаги фармон бу йўналишдаги жами ижодий кучларни марказ атрофида тўйлаш ва дунё ҳалқлари маданийда мислсиз дурдана бўлган -- ўзбек миллий санъатини жаҳонга олиб чиқувчи даричи бўлиши масъулиятни юкландиган дароҳонини истиқболи билан боғлиқ балъи масалалар юзасидан тўхтади. Жумладан, Бадиий академиянинг ташкил этилиши билан Рассомлар уюшмаси тараққиётига асос бўлади.

Курутойда улуғ ўзбек ҳалқи шаъни ва обрўсига мос, санъатимизнинг чинакам қаъбаси б

Сүнгги вақтларда НАТОнинг Шарққа томон кенгайиши хусусида турли баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Буғунги күн воқеаларига холисона баҳо бериш учун яқин ўтмишдаги мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнларга назар солиш керак. Ҳозирги даврни 50-60 ёки 80-йиллар мұхити билан үлчаб бўлмайди. Чунки кейинчи ўн йиллик ичидаги дунё ўзгарди, зўрабонники ва тоталитар зуғумга асосланган манфур тузумлар емирилди.

Тан олиш керак, ўша вақтларда НАТОга қарши жуда кучли сиёсат, айниқса, ғоявий-мағкуравий кураш олиб борилган эди. Бу эса ҳалқ онгигда маълум бир из қолдиранглигини ва ҳозир ҳам айримлар эскича қарашлар оқибатиди НАТОни ёмонотликка чиқаришига уринаётганлигидаги аниқ намоён бўлмоқда. Албатта, бизнинг мақсадимиз НАТОни кўллаш ёки унга 80-80 ийлардаги ғоя бўйича ёндашиб эмас. Мақсад бугун юзага келган сиёсий вазияти теран англаш ва унга холисона баҳо беришдан иборатдир. Тўғри, Шимолий Атлантика ҳарбий блоки (НАТО) пайдо бўлган 1949 йилнинг 4 апрелида, умуман, 40-йиллар охирилари ва 50-йиллар бошларида иккисистема ўртасида кучли рақобат давом этар, синфийлик кучайган ва ким кўпроқ «ўз таъсир доирасига» эга бўлиши учун поёнсиз кураш авжига минган эди. АҚШ, Буюк Британия, Франция каби давлатлар коммунистик ғоянинг ва унга асосланган тузумнинг илдиз отиб, бутун Европани қамраб олмаслиги учун ҳаракат қиласа, собик қизил салтанат Гарбнинг Европадаги, айниқса, унинг

НАТО - МУЗОКАРАДАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шарқдаги таъсирини синдиришга ва ўз ҳукмронлигини ўрнатишига интилар эди. Шу тариқа бир томонда «Трумэн доктринаси», «Маршалл плани», «Уинстон Черчиллининг машҳур Фультон нутки», иккинчи томонда эса зўрабон большевиклар уюштирган «Берлин девори», 1956 йилда амалга оширилган «Венгрия кирини» ва кўлами ҳамда сиёсий мақсадлари жиҳатидан Венгрия воқеаларидан ҳам колишмайдиган 1968 йилдаги «Прага баҳори», аниқроғи ССРР бошчилигида собик Чехословакияда уюштирилган қирғинбаротлар ва у ерда Москвага монанд коммунистик тузумнинг бир амаллаб сакланганлиги каби воқеалар келиб чиқди. Буғун эса НАТОга кирмокчи бўлаётган давлатлар орасида Венгрия, Чехия ва Словакиянинг асосий даъвогар эканлиги тасодиф эмаслиги шу биргина мисол негизида яна ҳам ойдинлашиди.

НАТОнинг Шарққа томон кенгайишига қатъий қаршилик килаётган ягона давлат бу Россиядир. Белоруссиянинг унга ҳамоҳанг ўйлутаётганлиги хеч қандай шов-шувга лойиқ эмас. Улар Россияни ўзининг нахоктори, химоючиси, хавфсизлик кафолати ва мавжуд иқтисодий қийинчиликлардан чиқишининг ягона воситаси деб хисоблайди. Кизиги шундаки, тарихий келиб чиқиши ва урф-одатлари русларга анча яқин бўлган поляклар, чехлар ва словаклар белоруслардан фарқли равишда Россиядан

КИМ БИРИНЧИ ОЧГАН:

ЕВРОПАЛИКЛАР АМЕРИКАНИМИ

Осиё, Африка, Европа... каби атамаларни кундалик турмушимизда кўйлаб ишлатамиз. Аммо уларнинг номи аслида нима маънени англатишини ҳар куни ҳам эслайвермаймиз. Ваҳоланки, ҳар бир номинг келиб чиқишида маълум бир асос бор.

Бу номларнинг «Энг янги»си Австралия бўлиб, у «Жанубий ер» деган маънени билдиради. Америка -- ҳаммага маълумки, унинг алоҳида материк эканлигини расман ўлон қилган испан саиёхи Америго Веспуччи номи билан бевосита боғлиқ. Антрактида Катта Айик юлдузлар туркуми номи билан бевосита боғлиқ. Чунки



Хиндистонда маросимлар шундай ўтади.

узоқлашиб НАТО томон интилмоқда. Айнан шу ҳолат Россияга аввало маънавий зарба бўлди. Элшунослик (этнография) фанида гарбий

аввал Арктика пайдо бўлган. Бу -- грекча «арктос» сўзидан олинган бўлиб, «айиқ» деган маънени билдиради. Ана шунга кўра Ер шари-

нинг унга қарама-қарши бўлган қисмини «айиққа қарама-қарши жой», яъни Антрактида дея аташган.

Африка номининг келиб чиқиши бирмунча мунозаралироқ. Тахминларга кўра, бу сўз римлilar Карфаген яқинидаги учратган «африжи» ёки «африди» қабиласининг номи билан боғлиқ. Чунки

кини бу қабила номининг асосини ташкил этувчи «афира» сўзи арабчада «чангли» маъносини билдиради. Бу сўзни Африка материгининг барча қисмига тадбиқ этилса, бирмунча хатодек тувилиши мумкин. Аммо бу ерда

умумий майдони 11,5 миллион квадрат километр ҳамда материкнинг 40 фоиздан ортиқ майдонини эгаллаб ётган Сахрои Кабир, Ливия, Нури, Калаҳари ва Намиб каби йирик чўлларнинг мавжудлигини ҳисобга олсан, унга бу ном тўғри берилганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Осиё ва Европа номларнинг келиб чиқиши -- ёргуллик манбани Күёшнинг ҳаракати билан боғлиқдир. «Асу» сўзи қадимги асирийлар тилида «кун чиқиши» ва «Ереб» -- «кун ботиш» демакидир.

Мақоламизнинг сарлавҳасини ўқиган ҳар бир муштарий «Албатта, европаликлар. Чунки Христофор Колумбнинг 1492 йилда Америка материгини кашф этганлиги ҳар бир мактаб ўқувинсига аёб», деган фикрга бориши табиий.

Аммо география фанига сўнгти йилларда тарихий маълумотлар асосида шу нарса маълум бўлдики, америкаликлар Колумбдан анча олдин Европа қирғоқларигача келишган. Ана шунга кўра, америкаликлар биринчи бўлиб Европани кашф этганлар, дейиш мумкин.

Қадимги Рим ва Галлиянинг

Японларга бобомерос гўшалар.

Давосдаги умумжаҳон иқтисодий анжуманида у Украинанинг НАТОга майиллигини очиқ таъкидлади.

Шу ўринда айрим маълумотларни келитириб ўтсан. Ҳозир НАТО ҳарбий-сиёсий иттифоқида 16 та давлат бор. Ушда блокка кирган мамлакатлар худуди 22,3 млн. кв. км бўлиб, 16 давлат аҳолисини кушиб ҳисоблаганда 650 млн. га яқин кишини ташкил қиласи. НАТОнинг барпо этиш ҳақидаги битим 1949 йил 4 апрелда Вашингтонда имзоланган. Унинг қароргоҳи 1967 йилгача Парижда жойлашган эди. Ўша кезлари Франция Президенти генерал Шарл де Голлининг сиёсати НАТО ҳарбий тизимидан чиқиши қаратиди. Шу боис НАТОнинг қароргоҳи Бельгия пойтахти Брюссель якинидаги Эвер деган жойга кўчирилган. Лондондаги стратегик тадқиқотлар институтининг маълумотларига кўра НАТОда 5 млн. дан кўпроқ куролли кучлар бор.

Захирадаги ҳарбий бўлнималарни ҳам кўшиб ҳисобланганда НАТО армияси карийб 10 млн. кишига етиб қолди.

Шуни ҳам айтиш кераки, Европа давлатлари билан иқтисодий, ҳарбий-сиёсий йўналишларда алоқалар ўрнатиш давлатимиз учун биринчи галда стратегик аҳамиятга эгадир. Бу борада ЕХХТнинг Лиссабонда ўтказилган анжуманида Президентимиз раҳбарлигига Ўзбекистон делегациясининг иштирок этанлиги мухим воқеа сирасига киради. Бу анжуман доирасида Ўзбекистон ўзининг хавфсизлик мунтазаларнинг хавфсизлигига ҳам бевосита боғлиқдир.

Кобилбек КАРИМБЕКОВ, сиёсий шарҳловчи.

15
февраль

ЁКИ

АМЕРИКАЛИКЛАР ЕВРОПАНИМИ?

тарихий манбаларнада эрамиздан олдин I асрда Галлия қирғоқларида антиқа, ерли ҳалқларга тушунарсиз бўлган тилда сўзловчи кишиларнинг топилганлиги ҳақидаги маълумотлар сакланмоқда.

1408 йилда француздарга тегишили бўлган кема Англия қирғоқлари яқинидаги дарахт пўстлоги ва қамишдан ясалган қайиқда дуч келади. Қайиқдагиларнинг бадани қизил ранда бўлиб, француздарга бутунлай тушунарсиз тилда гапирад эдилар. Француздар уларни кемага чиқариб олганларидан сўнг, улардан олтиласи тезда вафот этишади ва биттаси Францияга олиб келинади.

Хўш, қизил танли ҳиндуларнинг Европа қирғоқларига келиб қолишини қандай изоҳлаш мумкин?

Маълумотларни ўқиган ҳар бир муштарий «Албатта, европаликлар. Чунки Христофор Колумбнинг 1492 йилда Америка материгини кашф этганлиги ҳар бир мактаб ўқувинсига аёб», деган фикрга бориши табиий. Аммо география фанига сўнгти йилларда тарихий маълумотлар асосида шу нарса маълум бўлдики, америкаликлар Колумбдан анча олдин Европа қирғоқларигача келишган. Ана шунга кўра, америкаликлар биринчи бўлиб Европани кашф этганлар, дейиш мумкин.

Каромиддин ГАДОЕВ, география фанлари номзоди.

о хориждан о

ВЕНА. Австрия пойтахтида пиёда қўшиларга қарши ишлатиладиган миналарни кўйлаш ва уларни тарқатишга қарши янги концепция ишлаб чиқиши масаласи бўйича ҳалқаро ажуман очилди. Анижуманда дунёнинг юздан зиёд мамлакатлари эксперлари иштирок этмоқда. Маълумки, мазкур масала 1996 йил Женева ҳамда Оттавада ўтказилган ҳалқаро семинарларда ҳам мұхоказа этилганди.

СТОКГОЛЬМ. НАТОнинг Шарқий Европа давлатлари ҳисобига кенгайини Европанинг янгидан бўлиннишига сабаб бўлмаслиги керак, деди Швеция ташкили шилар вазири Лена Елм-Валлен мамлакат парламентида. Шунингдек, у сиёсий хавфсизлик масаласида Европа давлатлари ўзлари ҳоҳлаган йўлни ташлаши, лекин бу умумевропа хавфсизлигига дахл қилмаслиги лозим, деб таъкидлайди.

ТЕХРОН. Эронда чиқадиган «Жумхури ислом» газетасининг хабар беришич, «13-Хордад» номидаги диний жамғарма раиси Оятуллоҳ Ҳасан Санойи ёзувчи Салмон Рушдийнинг бони учун 2,5 миллион АҚШ доллари ваъда қилган. Матъумки, Салмон Рушдий асли ҳиндистонлик бўлиб, айни вақтда Буюк Британияда яшайди. «Шаккок» асарлари учун Эрон Ислом Инқилоби раҳбари мархум имом Ҳумайнин томондан ўлимга хукм қилинган ёзувчининг бони эвазига 2 миллион АҚШ доллари миқдорида пул тикилган эди.

о хабарлар о



• АҲВОЛ ҚАЛАЙ, ДЕҲҚОНИМ!

Кишлоқда тадбиркорлик ҳаракатини илк бор дехқон (фермер) хўжаликлари бошлаб берган эди. Кейинроқ эса ҳудудларда кичик ва хусусий фирмалар вужудга келди. Бугунги кунда ҳам қишлоқда фермерлар шу ҳаракатнинг бошида турибди. Аслида шундай бўлиши ҳам керак.

УЛАР ФЕРМЕРМИ Ё ИЖАРАЧИ?

Лекин уларнига фоилиятига назар солинса, айрим жойларда бу борада сифатдан кўра, миқдорга кўпроқ эътибор берилгани аён бўлади. Мисолми?

Самарқанд вилоятидаги Жомбой туманида бугунга қадар 519 та дехқон (фермер) хўжалиги рўйхатдан ўтган. Уларда 1737 нафар киши иш билан банд. Яъни, ҳар қайсида ўртача 5 тўрт одам меҳнат қиласи.

1996 йилда фермерлар томонидан 460 тонна сут, 80 тонна гўшт, 4226 тонна дон, 500 тонна картошка, 1000 тонна полиз ва 300 тонна сабзавот маҳсулотлари етиширилди. Бу туман бўйича тайёрланган шу турдаги жами маҳсулотлардан озми ёки кўп?

Албатта, оз: атиги 25-30 фоизини ташкил этади. Ваҳоланки, юқорида айтилганидек, фермерлар сони беш юз ўн тўқизига. Бу вилоятнинг икки-учта туманидаги шундай хўжаликлардан ҳам кўпид.

Фермерлар ихтиёрида, шунингдек, 1888 гектар ер мавжуд. Унинг 1627 гектари сугориладиган майдон, қолгани эса лалми. Бу -- ҳар бир фермер хўжалиги ҳисобига 3,6 гектар ер тўғри келади, дегани. Аммо дехқончилик билан шуғулланувчи айрим фермерлар эса бор-йўғи 1-2 гектар майдонга эга.

Энди мана бу мисолга диккат қилинг. Туманда дехқончиликка иктинослашган 469 та фермер хўжалиги бўлиб, шулардан 158 тасининг банда ҳатто ўз ҳисоб рақами ҳам йўқ. Улар юридик шахс сифатида бошқа ташкилотлар билан ҳисоб-китоб юритиш имконидан маҳрум. Шу маънода бу фермерларни «ижрачилар»дан деб атасак, тўғрироқ бўлади. Чунки ҳаммаси етиширилган маҳсулотни жамоа хўжалигига топширади. Ҳисоб-китобни ҳам шу хўжаликнинг бухгалтерлари амалга оширадилар.

Туман раҳбарларининг таъкидлашича, бугунги кунда кўпроқ чорвачилик билан шуғулланаётган фермерлар фойда келтироқмада. Ҳарқалай, улар имкони борича гўшт ва сут топшираётir. Қўриқ қишлоғидаги «Ишонч» дехқон (фермер) хўжалиги -- шулардан бири. 1992 йилда тадбиркор Акобир Иброҳимов ташабуси билан ташкил этилган бу жамоада ҳозир ўтиз бошга яқин қорамол, жумладан, ўн икки боз сориги сигир бор. 1996 йилда хўжаликда ўн бир тонна сут, тўрт тонна гўшт тайёрланди, ўн гектар ерда эса беда, арпа, бугдой етиширилди.


Туман ҳокимлигига мазкур фермер хўжалигини намуна сифатида тавсия этишганди. Бу ерда ҳам иш сийлиқ кетаётгани йўқ экан.

-- Ҳамма гап ҳисоб-китобнинг нотўри йўлга қўйилганида, -- дейди Акобир Иброҳимов. -- Фермер топширган маҳсулоти ҳақини ўз вақтида ололмагач, қандай қилиб иш юрисин? Мен фақат ўз манфаатимни назарда тутаётганим йўқ. Фермерларнинг аксария «*жадсугт*» хиссодорлик жамиятининг тумандаги қабул пунктига сут топшириб, энди ойлаб пулни талааб қилиб югуриб юриди. Ахир сут -- галла эмас, ҳар куни согиб олинади. Бир кун кечикса, бой берилади. Қолаверса, ўн тонна галламизнинг ҳақи ҳам ҳанузгача тўланмаган. Фермернинг молига ҳар куни ем, техникасига эса ёнилги керак. Буларнинг барчаси пулни талааб қиласи.

Тўғри, Акобир Иброҳимовнинг иктиносидой аҳволи бошқаларнига нисбатан бирмунча дуруст. У бултур хўжалигини кенгайтириш мақсадида «Бизнес-фонд»дан беш юз тўрт минг сўм кредит олган эди. Бу маблагнинг катта қисмига ем, мол харид қилинди. Анчамунчаси ҳали ҳам ҳисоб рақамида турибди. Пеян олмоқнинг бермоги ҳам бор-да. Қарз

ва унинг фоизи биринчи навбатда маҳсулот сотишдан тушган даромад ҳисобига узилади. Афсуски, сут, гўшт, галланинг ҳақини тўлаши лозим бўлган ташкилотлар пинагини бузмаяпти...

-- Фермерлар дуч келаётган муаммолар анчагина, -- дейи икror бўлди туман



дехқон (фермер) хўжаликлари уюшмасининг бошлиги Эгамберди Ашурев. -- Айтайлик, уларнига техникасига ёнилги фонди ажратиш масаласи ҳалига-ча ҳал этилгани йўқ. Ем хусусида ҳам аҳвол яхши эмас. Оқибатда фермерлар дон маҳсулотлари комбинатларида сарсону саргардон бўлишаигит. Бу ерда гап бир-икки гектар ерга галла ёки картошка экадиганлар ҳақида эмас, балки Акобир Иброҳимовга ўхшаш қорамоли, маблаги, техникаси бор фермерлар тўғрисида бормоқда.

Биз «техникаси бор» деган жумлани алоҳида таъкидладик. Сабаби -- техник хизмат кўрсатиш ҳақи кундан-кунга ошмоқда. Жамоа хўжалиги техникасидан фойдаланиш эса фермерлар гарданига оғир юк бўлиб тушаётir. Шу боис улар четдан бирор тракторчини чақириб, ер ҳайдатиш ёки бошқа юмушни бажартириши афзал билишади. Шундай бўлсада, хўжаликлар раҳбарлари «техник хизмат кўрсатилди», деб фермерлар ҳисобидан анча маблагни ушлаб қолишшаигит. Масалан, шу мақсад учун «Жомбой» жамоа хўжалигига тўрт-беш нафар фермердан 11 минг сўм ундириб олинган. Ҳолбуки, ўша фермерлар ўз ёнидан харжат қилиб, ер ҳайдатишган эди.

Кўриниб турибдики, Жомбойда йирик фермер хўжаликлари қўллаб-куватлашга муҳтож. Агар юқорида тилга олинган муаммолар ҳал этилса, улар ўзларининг ҳақиқий мулкдорлар эканлигини исботлашлари аниқ. Биз улар билан сұхбат чогида, фермерлар фаолияти билан танишиш асносида бунга амин бўлдик.

**Музаффар МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

Инсон муайян жамиятда, муайян давлатда яшар экан, улар билан турли хил муносабатларга киришади. Зоро, бусиз мумкин эмас. Хуллас, биз сўзламоқчи бўлган жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари Конституциямизнинг 3-бўлимидаги ўз аксии топган. Жумладан, унинг 12-боби «Жамиятнинг иккисодий негизлари»га бағишланади.

Унда айтилишича, «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Узбекистон иккисодийнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг хўкуқи устунигина ҳисоб олиб, иккисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг хўкуклигини ва хўкуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади».

Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчимизки, Конституция

шундай метъёрлар билан бойитилади: «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибадигина мулкдан маҳрум этилиши мумкин». Хусусий мулк Узбекистон Республикаси тарихида иккисодий бўзининг хўкуқий мақомини топди. Бу билан юртбошимиз И. Каримов айтганларидек, «Иккисодийнинг ўта марказлаштираслик, яқақоқмилкка барҳам бериш, корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорликнинг мустақиллигини кенгайтириш» бош мақсад қилиб олинган. Бошқача айтганда, хўкуқий давлатнинг «Қонун йўл кўйган ҳамма нарсани қилиш мумкин», деган машҳур қоидасининг хўкуқий ифодасини кўрамиз. Айнан ушбу қоид Конституциянинг 54-моддасида ҳам ривожлантирилади. Яъни, «Мулкдор мулкига ўз ҳоҳишича эгалик

ТАДБИРКОРИК МАСЪУЛИЯТИ

мамлакатда мавжуд барча жорий қонулларнинг асосини ташкил этади. Шу боис унинг тегиши метъёрлари ривожлантирилиб, маҳсус қонун дараражасига олиб чиқилади.

Шундан келиб чиқиб, Узбекистон Республикасининг янги Фуқаролик Кодексининг 167-моддаси мулкнинг хусусий ва оммавий шакллари мавжудлиги, «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси «Узбекистон Республикаси қонуннинг муқаддимаси «мулкчилик ва хўжалик юритиши шаклларини эркин танлаш, бу шаклларнинг тенгхўкуклилик асосида амал қилиши, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатлашув таъминланадиган шаронтларнинг яратилишига кўмаклашади» деб, ушбу қонуннинг аҳамиятини оширади. Шунингдек, булар жумласига «Иsteъмолчилик тўғрисида»ги қонуннинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинганини ҳам кўшишимиз керак.

Конституциянинг 53-моддаси яна

килади, ундан фойдаланади ва уни тасаруф этади». Бу -- ўз мулкига ўзи эгалик қилиди, демакдир. Эндиликда, жамият ижтимоий-иккисодий тараққиётининг фаол ҳаракатлантируви чувлари мулкдорлар бўлиб қолади. Шундай экан, Конституциямизга ушбу меъённинг киритилиши айни мудда бўлди.

Бироқ Асосий Қонунимиз бир пайтинг ўзида мулкдорларга бурчлар ҳам юклайдики, бу ҳукуқ ва бурчдорликнинг ўзаро нисбатидан келиб чиқади.

Демак, мулкдорлар ўз мулкидан фойдаланишида экологик мухитта зарар етказмаслиги, шунингдек, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг хўкуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Хуллас, Конституциямиз жамият иккисодий негизларининг хўкуқий мақомини белгилаб берди. Мулкчилик турли шаклларини эътироф этади, уларниг ҳукуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади, хусусий мулк шаклларни каби дахлсизлигини ва унинг давлат миқёсида ҳимояланнишни қатъий белгилади. Бошқача айтганда, хусусий мулкнинг ҳукуқий мақомини Конституциянида дараҷасида ифодалаб берди. Бу -- бежиз эмас, албатта. Зоро, мулкчилик жамият иккисодий базисининг асосини ташкил этар экан, у мана шундай ҳукуқий мақомга сазовордир. Бинобарин, хуласа шуки, Узбекистон Республикаси Конституцияси -- жамият иккисодий негизларининг баш яратувчи си бўлиб қолади.

**Миродил БАРОТОВ,
Тошкент давлат юридик институти ўқитувчи.**

• БИЗ ВА ДУНЕ

ҲАР БИР КОЛЛЕЖНИНГ ЎЗ ФЕРМАСИ БОР

Англияда фермерларни тайёрлаш фақат коллежларда амалга оширилади. У ерда 160 тадан 900 тагача талабалар ўқийди. Бир йил ўқигандан кейин битирувчилар ўрта дараҷадиги қишлоқ хўжалик маълумотига эга бўлади. Хоҳловчи уч йил ўқигандан кейин қишлоқ хўжалиги бўйича олий маълумот олади.

Ўрта маҳсус таълим давомидан ўлганларга «Биринчи диплом» ёки «Миллий сертификат» берилса, олий маълумотиларга «Миллий диплом» берилади.

Кишлоқ хўжалик коллежлари кўйидаги уч йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади:

1. Ўсимлик маҳсулотларини етишириш.

2. Чорвачилик маҳсулотларини етишириш.

3. Фермер хўжаликларни бошқариш ва механизациялашириш.

Заруратта қараб асаларичилик, отчилик, буничилик каби соҳалар бўйича ҳам мутахассислар тайёрланади.

Коллежларга киривчи амалга оширилади. Шундай мулкотида ҳафтасига 33 соатдан ўқитилади. Бир ўкув илини давомидида 155 соат ўқитилади. Шанба ва яшанба дам олиш куни ҳисобланади. Биринчи ўкув илини уч семестрга бўлинади. Ка никуллар: рождество -- 3 ҳафта; пасхада -- 2 ҳафта бўлиб, ёзги каникул июлнинг биринчи ўн кунлигидан бошланади. Ўкув илини ҳар доим -- 1 сентябрдан бошланади.

Ўқиш пуллик бўлиб, ҳар

биригина 660 фунт стерлинг, бир йилга 1880 фунт стерлинг тўлайди. Тўланган маблаг ҳисобидан кунига уч маҳал белуп овқат берилади. Ёткона ажратилади. Англиядаги ҳар бир қишлоқ хўжалик коллежи ўз фермасига эга. Фермадаги барча ишлар талабалар томонидан амалга оширилади.

Фермерлар тайёрлашнинг бундай таҳрибасидан республикамида фойдаланиш иккисодий ислочотларни муввафқиятли ўқазища, хусусий мулкчилик ва фермер хўжаликларнинг ишларини тўғрилашига аспотиши мумкин. **И. БЕЛОЛИПОВ,** биология фанлари доктори.



ИКТИСОДИЙ

• «ҮЗДЭУавто»: САВДО ВА СЕРВИС ХИЗМАТИ

ҲАР КУНИ 15 ТА МАШИНА СОТИЛМОҚДА



«ҮзДЭУавто» қўшма корхонасининг Андикондан бош автосалони ҳамиша тавжум. Харидорлар ва машина ишқибозлари бу ерда ўзлари ёқтирган автомобилларни харид қилишдан ташқари мухим янгиликлардан ҳам ҳабардор бўладилар. Ана шундай янгиликлардан бирни яқинда «Нексиya» автомашина-

си европача нусхасининг тақдимоти бўлди. Маълумки, мазкур машина ўзининг ташки кўрининши, ички салонининг комфортлиги, двигателининг шовқинсиз ишланиши билан бетакрор. Яна бир афзаллиги – ҳайдовчи рулни бошқариш чогида олд чироқларни ҳаракатга келтириш орқали йўлни ўзининг кўриш қобилиятига мослаб

ёритиш имкониятига эга. Шу каби мухим техник жиҳатлар туфайли янги нўсхадаги «Нексиya» автомобилларига бўлган талаба ва қизиқиш ошиб бормоқда.

-- Автосалонимиз кўрининши, замонавий қулайликлари билан жаҳон андоузларига тўла жавоб беради, -- дейди вилоят «Автотеххизмат» бошқармаси бошлиги Содиқжон Тошматов. -- Бу ерда харидорлар учун барча шартшароит яратилган. Ўтган вақт мобайнида 2382 та «Нексиya», 822 та «Дамас», 578 та «Тико» машиналари ўз эгаларига етказиб берилди. Савдо ва хизмат миёғеси кенгаймоқда. Заводдан кунига ўн бешдан ортиқ автомобилъ олайтмис. Ҳаммаси ўша куниёқ сотилиб кетмоқда.

Бу, албатта, Асака машиналари ҳалқимизга мансур бўлаётганидан далолат беради. Тармоқ ҳодимлари техник хизмат кўрсатиш маданиятини жаҳон андоузлари даражасида ташкил этишга ҳаракат қилишмоқда. Зоро, бу автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар сафидан муносиб ўрин олган республика миз учун ғоят мухимдир. Излаганга имкон топилади. Нега бундай деяпмиз? Илгари бирон тасодиф туфайли йўлда бузилиб котган ёки носозлиги оқибатида

ойлаб ишлатилмай келган автомобилларни иккинчи бир машинага тиркаб, устахонага олиб келишга тўғри келарди. Эндиликда бунга асло ҳожат йўқ. Барча эҳтиёт қисмлар билан таъминланган иккита «Дамас» андиконлик ҳайдовчилар жонига оро кирмоқда. Малакали мутахассислар айтилган манзилга зудлик билан этиб бориб, ўша ернинг ўзида бузук автомобили созлаб беришиади. Шунингдек, яқиндан бошлаб буюртма бўйича аҳоли хонадонларида хизмат кўрсатишга мўлжалланган яна битта «Дамас» устахонаси ҳам фоалият кўрсатса бошлади. Буларнинг ҳаммаси шахсий ҳайдовчилар учун катта қулайлик туғдирибигина қолмай, хизмат маданиятини ошириш имконини ҳам бермоқда.

Очиқ айтиш керак, автомобиль эгаларини кўпинча эҳтиёт қисмлар масаласи ташвишга солади. Вилоят «Автотеххизмат» тизимида бу муаммо ижобий ҳал этилганига анча бўлди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, автосалон қошида жойлашган дўконда ва бошқарма тасаруфидаги омборларда қўшма корхона ишлаб чиқараётган автомобилларнинг 60-70 фоиз эҳтиёт қисмлари мавжуд. Водийда бутловчи қисмлар етказиб

беришга мўлжалланган корхоналарнинг яқин орада ишга туширилиши эҳтиёт қисмлар борасидаги тақчилликка тўла барҳам беради.

«Автотеххизмат» чилар билан хирлашиш чоғи бошқарма бош мұхандиси Салоҳиддин Жалилов шундай деб қолди:

-- «Халқ сўзи» жамоамиз азъоларининг севимли наширинг айланган. Чунки унда Ўзбекистон автомобилсозлигининг бугунги ва эртаги куни хусусида, Асакадаги қўшма корхона ҳаётига оид қизиқарли, ўқимиши мақолалар мунтазам ёритиб борилади. Шу бois ҳаммамиз 1997 йил учун «Халқ сўзи» га тўла обуна бўлдик. Сарф-харажат ишлаб топилган даромаддан қопланади.

Нима ҳам деймиз. Мухлислимиз кўпаяверсин. Автомобиль савдосини ташкил этиш ва замонавий сервис хизмати кўрсатишга астойдил бел боғлаган мазкур замонавий имкониятлари катта, режалари мўл. Ушбу режалар харидорларнинг мушкулини осон қилиши ва уларга янги хизмат турларини тақлиф этишга қаратилганни.

О. ШОДМОНАЛИЕВ.
«Халқ сўзи» мухбири.



• МЕЗОН -- ЖАҲОН АНДОЗАСИ!

Сутни севиб танаввул қилмайдиган ҳалқ бўлмаса керак. Шу бois отабобалоримиз азалдан хонадонда ҳеч бўлмаса бир бош говмиш сақлашни одат қилганлар. Бу анъана ҳозир ҳам давом этиб келмоқда.

Лекин сут дегани тез бузиладиган маҳсулот эмасми, уни узоқ сақлаб бўлмайди. Устига устак, мавжуд сутни қайта ишлаш корхоналаримиздаги ускуналар аллақачон ўз умрини яшаб бўлган. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар эса бугун диди ўткір харидорларнинг талабига жавоб бермай қолди. Натижада четдан чиройли идишларга қадоқланган, узоқ муддат мобайнида сақланиб, таъми бузилмайдиган сут маҳсулотларини олиб кела бошладик. Бу маҳсулотларга не-не машақатлар эвазига ҳамғарилган валютамиз сарфлаётгани аён-ку!

«Ўзгўштуссаноат» уюшмаси раҳбарияти ана шу муаммоларни бир қадар ечиш йўлини топишиди. Германиянинг «KWB-банк»и томонидан уюшмага ажратилган 11 миллион АҚШ доллари микдоридаги кредитнинг 3 миллион 900 минг доллари ирик корхоналардан бири -- «Тошкентсүт» хиссадорлик жамиятига берилди. Жамият аҳли эса ушбу маблағга Швейцариянинг «Тетропарк» фирмасидан сутни қайта ишловчи

замонавий технология сотиб олди.

Янги линиянинг афзаллиги нимада? Унинг ёрдамида кунига қарийб 20 тонна сут қайта ишланиб, 7 турдаги сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилади. Мазкур маҳсулот эса 200 грамм ва бир литрлик маҳсус идишларга (улар це-

раиси Рустам Юсупов. -- Бугунгача бу кўрсаткич қарийб 500 тоннага етди. Кўкламнинг биринчи кунидан бошлаб эса ойига 600--700 тонна сут ва сут маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб берамиз. Улар уч ойдан бир йилгача сақланишини айтсак, кўпчилик

қатик, 3,5 тонна сметана, 3 тонна сузма ва 1000 килограммдан ортиқ қаймоқ тортиқ этилмоқда.

Бу ютуқларнинг кўлга киритилишида, албатта, мулк шаклининг ўзгаргани, меҳнат аҳлининг ишга муносабати яхшилангани асосий омилдир. 1996 йилнинг август ойида корхона хиссадорлик жамиятига айлантирилиб, номинал қийматдаги 84 минг 889 дона, яъни ҳар бири 915 сўмлик пай чиқарилган эди. Унинг асосий қисми ишчи ва хизматчиларга сотилган, 1769 дона имтиёзли пай эса корхонада кўп йиллар мобайнида ишлаб келаётганларга, меҳнат фахрийлари га берилганди. Йил муваффакияти якунлангач, барча пайчилар 3 миллион 412 минг сўм фойда (дивиденд) олдилар.

Биз юқорида «Корхона 1996 йилни муваффакиятли якунлади», дедик. Дарҳақиқат, бултур маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1995 йилга нисбатан 39 фоиз ўси. Жорий йилда эса фақат харидоргир сут ва сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бу республикамиз мустақиллигининг 6 йиллигига самара янада юқори бўлишига кафолатдир.

Матъуржон ҚИЁМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САЙЁҲЛАРГА... АТАЛГАН СУТ

Уни пойтахтимиз аҳолиси ҳам бажонидил ҳарид қилмоқда



лофон ва картон қоғоздан тайёрланиб, юза қисмига нақши безаклар берилган) қадоқланадики, бу Европа мамлакатлари стандартига тўла жавоб беради. Қолаверса, хорижий ускуналар кўмагида шафтоли, олма, мандариндан ҳам шарбат олиб, уларни қадоқлаш мумкин. Мухими эса, четдан бундай маҳсулотларни келтириш барҳам топди.

-- Ўтган йилнинг декабрь ойида янги усуlda 210 тонна сут қайта ишланган эди, -- дейди хиссадорлик жамияти

«Сайёҳларга аталган экан-да!» дейиши мумкин. Лекин бу маҳсулотларни, асосан, пойтахтимиз аҳолиси ҳарид қилмоқда.

Айни пайтда Тошкентда корхонанинг кўплаб фирма дўконлари ишлаб турибди. Уларда ҳар куни 1 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот сотилаётir.

Бу ерда, шунингдек, аҳолининг талаб-эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда қатик, сметана, қаймоқ, сузма, сариёғ ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, кунига эл дастурхонига 16--17 тонна

Халқ сүзи

15
февраль



ДУШАНБА, 17

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан 17 февраль, душанба куни ўзТВ I кўрсатувлари союз 6.30 даъ 14.05 гача ўзТВ III канали орқали намойиш этилади.

17.55 Кўрсатувлар тартиби: 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Эркотай». 18.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал. 18.45 «Ташабус». Тадбиркорлар кўрик-тандови. 19.05 «Манявият». Фольклор-этнографик ансамбллари нинг «Зилол» телевестивали. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 Буюк келажак сари. 21.20 «Деҳон минбари». 21.30 «Дилнавоз садолар». 21.45 «Вақт». Публицистик кўрсатув. 22.00 «Сирли сандик». Телейин. 22.30 «Морена Клара». Телесериал. 23.15 «Дилнавоз садолар». 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам. 18.35 «Спорт китъаси». 18.45 «Лупор». 18.55 «Калбимда ўзбекистон». 19.00 «Мак ва Матли». Кизиқарли дастур. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Офисина» баридан чиқсан фириғарлар. Телесериал. 20.20 «Спорт китъаси». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Санта-Барбара». Телевизон бадий фильм. 22.35 «Дурдаршан» телекомпанийининг кўрсатувлари. 23.05 «ТВ IV да «Немис тўлини». 23.35 «Жиллет-спорт». 00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

III

6.30 «Ассалом, ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.30 «Хафталиқ».

*

8.30 «Бахти онлар», «Омон ёр». Фильм-концертлар. 8.55 «Фармон ва ихро». 9.15 «Марсия». Бадий фильм. 1-серия (Италия). 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Серхли оҳанглар». Болалар учун кизиқарли дастур. 10.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этди: «Нишона». 9.20 «Манявият». «Оҳанглардан таралган меҳр». 9.40 «Чемпион билан учрашча: Бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Кишик тадбиркорлари».

Ўкув кўрсатувлари:

10.30 Зоология. 11.00 Янги алифоби ўрганимиз.

*

11.30 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан. 12.00 ўзбек кўйларидан концерт. 12.35 «Шаҳарликлар». Бадий фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.05 — 15.20 Р. Маъдиев, Ф. Олимов. «Девона». Муҳими номидаги ўзбек давлат мусикий театрининг спектакли. 2-кисм.

*

17.55 Кўрсатувлар тартиби: 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Чорраҳа». 18.20 «Бу ёруг оламда Ватан биттадур...». 18.25 «Дилнавоз садолар». 18.30 «Замон билан ҳамнафас». 18.45 «Табасум». Киска метражли телевизон бадий фильм. 19.05 «Манявият». Фольклор-этнографик ансамблларининг «Зилол» телевестивали. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Калкон». Хукукий-публицистик кўрсатув. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 Буюк келажак сари. 21.20 «Дилнавоз садолар». 21.40 «Динакида спорт ҳақида». 21.55 «Автоолам». 22.10 «Талкин. XX аср». 22.40 «Морена Клара». Телесериал. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси. 18.50 «Мульткарусель». 19.05 Эълонлар. 19.10 Кечки сезанс. «Тақдир ҳуқмдори». Бадий фильм. 2-серия (Хиндустон). 20.10 «Жаҳон». Халқаро шарҳ. 20.30 «Душанба». Публицистик кўрсатув. 20.40 Эълонлар. 20.45 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал. 21.35 «Тасвири». 22.05 «Ўтган кунлар». 22.35 «Спорт-тайм». 23.05 Эълонлар. 23.10 «Бедорлик». Алла Пугачёва. 23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 18

6.30 «Ассалом, ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шархи. 8.35 Лирик концерт. 8.55 Биржа ва банк хабарлари. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Хазинамиз таяничи». Публицистик кўрсатув.

Ўкув кўрсатувлари:

10.30 Она тили. 11.00 Инглиз тили. 11.30 ўзбекистон тарихи.

*

12.00 Футбол шарҳи. 12.15 «Хотира». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фозил Харратов. 12.45 «Пушаймон». Бадий фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.05 — 15.00 Р. Маъдиев, Ф. Олимов. «Девона». Муҳими номидаги ўзбек давлат мусикий театрининг спектакли. 1-кисм.

III

17.50 Янгиликлар. 17.55 «Вайгач». Телесериал. 18.10 Эълонлар.

*

7.30 — 9.00, 18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

17.55 Кўрсатувлар тартиби: 18.00 Янгиликлар.

*

**

"СРЕДАВЦВЕТМЕТЭНЕРГО" АЖИКОРХОНАЛАРИ

БАЖАРАДИ:

1. Куввати 2 дан 12000 КВт гача бўлган электр двигателларни таъмираш.
2. Куввати 100 дан 100000 КВА гача бўлган трансформаторларни таъмираш.
3. Электр ва иссиқлик техникаси ўчнов воситаларини таъмираш ва идоравий йўқлама қилиш.
4. Қизиш юзасини газ ва пневмоимпульс усулида тозалаш.
5. Металл буюмларни металлографик текшириш, сифатини назорат қилиш.
6. Лойиха - конструкторлик ишлари, модернизациялаш, қисмларни ясаши, таъмираш, ишга тушириш ва созлаш:
 - буғ ва сув иситгич қозонлари;
 - иссиқлик утилизация қурилмалари;
 - ностандарт жиҳозлар;
 - иссиқлик генераторлари;
 - атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қурилмалари;
 - кувват берувчи манбаларни автомат тарзда ҳисобга олиш тизимлари.
7. Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини кўчириш ва кўмид ташлаш ишлари.

БУЮРТМА БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАЙДИ:

1. Электр двигателлари, пайвандаш трансформаторлари, электр аппаратлар учун ғалтаклар.
2. 2 дан 10 Гкал/соат кучга эга бўлган иссиқлик генераторлари (ёнилги: газ, мазут).
3. Буг ва сув иситгич қозонларнинг қизиш юзаси.
4. Ностандарт жиҳозлар ва металдан ясалган буюмлар.
5. Диаметри 0,6 - 1,8 мм. бўлган ПВд, ПСд, ПЭТВ-2 ўров симлари.
6. Зичликни, сатхни, ҳароратни, чўкма насосларнинг ҳимоя блоклари ва бошқариши технологик назорат қилувчи асбоблар.

СОТАДИ:

1. Диаметри 0,6 - 1,6 мм. ПЭТВ-2 русумли сирланган сим.
2. Бурчакларни силликовчи машинкалар (болгаркалар).
3. 317, 318, 8106, 8109 рақамли подшипниклар.
4. Дезинфекция учун пуркагичлар (кўл насос-трубка).
5. Ёритгичларнинг электр шнурига монтаж қилиш учун ёқиб-ўчиргичлар.
6. 1981 йилда ишлаб чиқарилган ГП-5 русумли противогазлар.
7. "Строитель" русумли респираторлар.
8. 1 м x 2 м (3т) катталиктаги, қалинлиги 4 мм. листдан тайёрланган титан.
9. Оқава ва ичимлик сувларни тозалашга мўлжалланган коагулант.
10. 1,5 дан 2,5 Гкал/соат гача бўлган сув иситгич қозонлари.
11. Рўзгор учун ёнилги: мазут, газ.
12. Автомобиль чиқарган тутунда қанча СО борлигини аниқловчи 121-газанализаторлари.
13. 2430 рақамли пресс мол.
14. 2118A пресс АКД.
15. Темир листларни штамповка қилувчи автомат.
16. 951 УС 63 яримавтомат.

**Мурожаат учун телефонлар: (3712) 42-53-35, 42-97-50.
ПЕЙЖЕРЛАР: (067) 51-33, 53-77.**



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Ҳурматли ишбителармон ва тадбиркор жаноблар!
Агар Сиз ўзингизнинг ва фарзандларинизнинг келажигини моддий таъминлашни истасангиз, мамлакатимиздаги энг йирик ва ишончли ХИФлардан бири - "Туркистон-Инвест" акцияларини сотиб олинг!

"Туркистон-Инвест"нинг низом жамғармаси 5 000 000 сўмдан иборат бўлиб, кимматбаҳо корозлар бозорига умумий қиймати 500 млн. сўмдан иборат 5 млн. дона акция чиқарди.

Сиз, "Туркистон-Инвест" акцияларини "Азиятраст" бошқарув компанияси фонд дўйонларидан ва республика Халқ банкининг барча бўйимларидан сотиб олишингиз мумкин.

Бир дона акция баҳоси - 100 сўм.

Маълумот учун куйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Қашқар даҳаси, 17"А"-уй, 3-қават.

(Мўлжал: ўт ўчирувчилар мактаби,
олидинги ИИБ поликлиникаси биноси).

• Телефонлар: 35-24-56, 31-81-73.
• Пейжерлар 896, 894 (067 орқали).

Ҳар куни
капсуласини
қабул қилас
экансиз, сиз ўз
терингизни
мусофо қиласиз,
тўзуллик ва
майинлик бахш
этасиз.

БИОТИ
ПЛЮС

Сизнинг
бардам ва
тўзуллигиниң.

Шаҳар
дорихоналаридан
сўранг


ер / сурхон афжанта фарма цијите

Халқ
сўзи

9

15
февраль

Эркаклар бақувват
бўлиши керак



ТАШКИЛОТ
РУХ АРАЛАШ ПЎЛАТДАН ТАЙЁРЛАНГАН

ШРОФНАСТИЛ
(ТУШАМА-ТУНУКА)

ҚАЛИНЛИГИ - 0,7-0,8 мм.
НОВА(ГОФРА) БАЛАНДЛИГИ - 35, 57, 75 мм.
УЗУНЛИГИ - ХАРИДОР ҳоҳиши БЎЙИЧА.
Нархи бозор баҳосидан анча арzon.

Телефон:
(3712) 41-41-77.
Факс:
(3712) 41-54-90.

• БОЖХОНА БЕКАТИ

«ЭРОН БҮЛМАСА, БУХОРО-ДА...»

Пойтахтда яшовчи Гулбаҳор опанинг кўнгли Эрон сафарини тусаб қолди. Тўғри-да, қўши хотинлар гапу гаштакда Хинду Чинмочинга қандай қилиб сайдётатга чиққанликларини оғиз кўпиртириб гапириб, даврадагиларни ўзига қаратиб ўтирган бир пайт-

да у бозорда арзимаган лашлушларни сотиш билан кунини ўтказаверадими?

Қўшилардан қай жойи кам? Кунлардан бирида опа «Тошкент-Бухоро-Эрон» йўналиши бўйича қатнайдиган сайдётчилар автобусига ўтириди-ю, ҳайё-хйт дейа узоқ сафарга отланди. Бироқ автобус Бухоро вилоятининг

Олот божхона бекатида тўхтаганда, негадир унинг нафаси ичига тушиб кетди. Айнича, «ўжар» ходимлар сумкасидан декларацияда қайд этилган 500 АҚШ долларидан ташқари яна 18350 АҚШ доллари борлигини аниқлашганда, шу ерда сафари тутаганига икрор бўлди. «Эрон бўлмасада, Бухоро-да», деганларидек, энди «тижоратчи» опа бу кўхна шаҳарни томоша қилиб, қулинг ўргилсин зардўзи дўппилардан олиб қайтса, ажаб эмас.

* * *

Орадан бир неча соат ўтгач, мазкур божхона бекатида «Ўш-Бухоро-Эрон»



ХОДИСА

САРИҚ ШАЙТОН ВАФО ҚИЛМАДИ

Тошкент шаҳрининг «Марказ-5» мавзеисида яшовчи 1968 йилда туғилган И. Д.нинг ўтган йил 21 август куни «омади чопанди». Яккасарой туманида истиқомат қилувчи 1937 йилда туғилган Э. Н. нинг уйига тушдан кейин дераза орқали кириб, 4 ярим минг АҚШ доллари, 160 Германия маркаси, 650 минг Россия рубли ва жъами 15 минг АҚШ доллари қийматидаги буюмларни ўмариди, ўзиники қилиб олганди.

Бугун эса терговчига бу ишни қандай уддалаганини қайта-қайта ҳикоя қилиб бериш билан банд, бўш қолган пайтларида эса торгина хонанинг бир бурчагига қисиб ўтирган кўйи афсус, чекади.

АВИДО, ҚУРОЛ!

Сурхондарё вилоятининг Кумкўргон туманида истиқомат қилувчи, кичик корхона раҳбари Ш. С. нинг ўтдан, тўғрилоги гаражидан бир дона «АКМ» русумли автомат, битта ўқдон, 26 дона жанговар ўқ ва 300 грамм гиёҳванд модда тошлиди. Бу ашёлар нимага кераклиги тергов жараённида аниқланади.

НОГИРОН-ПОРА

Жиззах вилоятининг Дўстлик шаҳрида шифокор Б. Х. ўз мансабини сунистемол қилди. Ҳеч қаерда ишламайдиган Б. А. дан укасига иккичи турх ногирони гувоҳномасини тўғрилаб бериш эвазига 7 минг сўм пулни пора сифатида олаётганда... эшиқдан милиция ходимлари кириб келишиди.

• ЛУҚМА • «УЯЛИНГ. • ҚУЁНЛАР»

Эрталаб янги режалар билан тўлиб-тошиб бекатга чиқасан. Нима бўлганда ҳам «қадрдан» иш жойинга, бу галвали оламдаги ўша галвасиз кўргонингга етиб олишин керак. Йўдаги ул-бул хаффлар писанд эмас. Чунончи, автобусга чиқиб олиши даҳмазаси ҳам. Қовурғанг қийшайиб, пишқирган тўданинг сиқувиде ўзингни салонда кўрганингда яйраб кетасан: «Кечикки бўлсаям келиб турдиди-ку автобусжоним!» Чиқиб оддингми, манзилга етишинг тайин, ма-софа анча узоқ, ахволинг мақтандуга дек бўлмаса ҳам ҳар ҳолда «эгардасан». Ҳатто ҳаёл суригга, ул-бул нарса ҳақида мулоҳаза қилишга имконият бер.

Пойтахтда ўловчиларга хизмат кўрсатиш маданийтини юқори даражага кўтариш мақсадида турли чоралар кўрилди. Жумладан, ўтган йилнинг куз ойларida, метро касаларида, автобусларда фотоайбномалар пайдо бўлиб қолди. Уларда кўзини ерга тикиб олган 9-10 кишининг юрик сурати, турли гувоҳномалар тасвири, «Уялинг. • қуёнлар» деган истехzo билан «безак» берилган эди. Гап нимадалиги изоҳларисиз ҳам тушунарли-суратдаги одамлар чипта ҳақини (бўлмадик, узлуксизи ёки бир мартами?) тўламаган ўловчилар. Уларни эъзолаб, «қуёнлар» деб аташибди.

Манзилга етиб олиш учун вақт бўлганидан суратларга разм солиб кирайсан -- балки бирор танишинг ёки кўшининг бордир, Таниб қолганинда орқасидан «Эй, қўён» деб кулиб яйрайсан. Қандоқ ёқимли? (Аслида, бу усулининг ижодкорлари ҳам шуну исташган-да). Ҳаммаси кўринишидан дуппа-дуруст одамга ўшҳайди, нима фалокат чалиб, йўл ҳақини тўлашмаганин? Бир сафар ўзинги ҳам пул олишини унтиб кўчага чиққанингни эслаб, кўлга тушганларга раҳминг келади, ўшанда ўзингни истиҳола билан писиб қочганинги тутиб олишмаганини ўйлаб ўйдайиб кетасан. «Қандай омадлиман!» Барibir суратдагиларга ҳамдардлигинг дилингни тарк этмайди, уларни ўнгига ўзингни кўйиб куриб терлаб кетасан.

... Бу мулоҳазалар билан асло «қуён»ларни ўз шафқатимизга олмоқчи эмасмиз. Айби бор одам изза бўлиши лозим, лекин одми бир гап: «Қанийди, кичкина эътиборсизлиги ёки безбетлиги билан ҳамма учун мажбур бўлган тартибларни бузган жами одамларнинг сурати ана шу ҳолда жамоатчиликка маълум қилинсан!» деб ўйлайсану, дарҳол сергак тортиб, суратларни танбех маъносиди ўзлон қилишнинг инсон шаҳни, қадримматининг дахлсизлигига нечоғлик алоқаси бор, деган ҳаёлга борасан.

Аслида, изза қилишнинг бундай усули бирон ҳукукий ҳужжатда кўзда тутилган, тутилмагани ҳам жиддий масала. Колаверса, бундай муносабат шўро тузумининг ўрнатилган қабиҳ тартибларни заррача бузган «бечора»ларга нисбатан шафқатсизлигига ўхшаб туюлди бизга.

Баъзи мамлакатларда бошлиқ ўз ходимидан қарз сўраса, ходим ўз шанни бошлиқни томонидан таҳқиқланган (пора тайма қилган) ҳисобланниб, судга арз қилиши мумкинлиги қонунлаштириб ўйилган экан. Бу ҳолни эслатишдан муддао -- ҳар қандай жамиятда инсон шанни дахлсиз ҳисобланади. Колаверса, жами мавжудотларнинг гултохи ҳисобланниш зоти шариф ҳақида минг ўлчаб бир кесиш ўзимизнинг ҳам шу қавмга мансублигимизни ёдда тутиш лозим эмасми?

Шу ўринда ҳалқимизнинг бир мақолини келтирамиз: «Авал ўзингни боқ, кейин ногора қоқ». Бу ўринда ҳайдовчиларнинг ўз вазифасига масъулияти, ўловчиларга муносабатни кўйиб турдилди, йигиг олинаётган пулларнинг қанчаси кассага, қанчаси киссага кираётганини мудоҳаза қилайлик. Бу ҳолатни ҳеч ким танбех ҳам бермайди. Лекин эшикнинг ёнда, пешонанинг тўғрисида ўша таниш сўзлар осилиб тураревади. Мантиқ нимадалигини тушунмайсан ва манзилга етгач, «Гап эгасини топади» деганча елка қисиб тушиб кетаверасан...

Халил СУЛТОН.

**Халқ
сўзи**



15
февраль

қистон фуқароси Норқул Чориев ноқонуний йўл билан ташиб кетаётган эди.

Ҳозир ҳар иккала иш юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

* * *

Ачинарлиси шуки, фақат ўз роҳатини ўйловчи бундай кимсалар учун Ватан ва миллат тушунчаси, одамийлик, қонқардошлик, гурур ва ватанпарварлик туйгулари бегона. Лекин улар ҳеч қаҷон ҳавои орзуларига ета олмайдилар. Негаки, божхоначиларимиз барча бекатларда сергак туришибди. Бу фидойиларнинг саъи-ҳаракатлари туфайли жорий йилнинг дастлабки ойда 4 миллион 893,4 минг сўмлик озиқ-овқат, 563,5 минг сўмлик ун маҳсулотлари ҳамда 49,5 килограмм наркотик молдадар мусодара қилинди.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбари.

* * *

Сурхондарё вилоятининг 6-«Гулбаҳор» божхона бекатида эса шундай воқеа юз берди. Шўрчи туманидаги «Туркистан» кичик корхонасининг «54-05 СДМ» рақамли «КамАЗ» автоолови текширилганида Тоҷикистон фуқароларидан бир 1950 килограмм унни қонунсиз олиб кетаётганлиги аниқланди. Шу куни қўшини Тоҷикистон чегарасидаги 18 божхона бекатида ҳам 2 тонна ун мусодара қилинди. Бу маҳсулотни «00-62 СДМ» рақамли автооловда Тоҷи-

• КРИМИНАЛ ХРОНИКА

МИЛИЦИОНЕРЛАРДАН ҚАРЗ СЎРАДИ

Одатда, қўй оғзидан чўп олмайдиган кишиларга ўғрию кazzоблар ҳам унчалик аҳамият беришмасди. Аммо Зарафшон шаҳрилик Б. А. негадир бараз мақсадли шахсларнинг назарига тушиб қолди. Ярим кечаси ухлаб ётган жойидан ўғотишидио, 150 минг сўм топиб беришини, йўқса нариги дунёга равона бўлишини айтиб кўркитишиди. Жони ҳалкумига келган ўй соҳиби ҳозир пул топиб келиш шарти билан оёғини кўлига олиб, кўчага югорди. Тўпра-тўғри милиция идорасига бориб, вақтинча қарз бериб туришларини қаттиқ илтимос қилди.

Табиийки, милиция ходимлари бу илтимосни ерда колдиришмади. Шундай килиб, уч нафар зўравон-талончи терговчи қаршисида кўйдек ювощортиб колишиди.

ҲИБСДАГИ ПАРИВАШ

Ўзбек-ўзбек бўлиб яралибди, аёлни бошга кўтаради. Аёлни бекиёс этиб таърифлаш -- аждодлар меъроси.

Самарқанд шаҳри ички ишлар бўлими ходимлари бошқа тоифадаги бир «париваш»лар сирасига киривчи X. Ёни ҳисбга олишиди. Бу аёл Н. О. исмли бошқа бир аёлни ўлдириш билан кўркитиб, 2 минг АҚШ доллари ундиришмокчи бўлган. Иложсиз қолган Н. О. 10 минг сўм топиб келганида эса «борига шукур» килган.

Энди эса сунбул-сунбул соchlарини ҳурпайтириб, темир панжаралар ортида ўтириби.

МАШИНАСИ ЯНА ГАРАЖДА

Оғирини енгил, узогини яқин қилиб турган «Москвич»ини ўғирлатган кишининг қай ахволга тушишини ҳар ҳолда тасаввур қилсангиз керак.

Асака туманида яшовчи жамоа ҳўжалиги аъзоси Ёкубов якинда ана шундай беором кунларни бошдан кечирди. Ҳайриятки, тун бўйи гўёки мих устида ағанаб чиқишилар узоқ чўзилмади. Юзига қизиллик, лабига табассум югорди. Чунки машинаси яна гаражига кирди, икки нафар ҳаромтомоқ эса -- ҳибса.

Радионали ҚОСИМОВ, республика
Ички ишлар вазирлиги
матбуот марказининг ходими.

15
февраль

12

• БИР ШИКОЯТ ИЗИДАН ЯНГИСИНИ ҚУРМАСДАН ЭСКИСИНИ БУЗИШДИ

ОҚИБАТДА ЎН ИККИ ОИЛА УЙ-ЖОЙСИЗ САРСОН БҮЛИБ ЮРИБДИ

Воқеанинг содир бўлганига салкам икки йил тўлаяпти.
Жиззах шаҳридаги Ҳамроқул Носиров номли кўчада жойлашган биринчи уй бузиладиган бўлди. 1995 йил апрель ойида бу ерда яшовчи ўн икки оила хусусий уйларидан чиқарилди. Уч оила Азизбеков кўчасидаги I-курилиш корхонасига тегиши 101-уйга жойлаштирилди. Колганилари ўз хоҳишларига кўра ота-оналариникига, ёки ижарага уй олиб кўчиб чиқдилар.

Сентябрь ойининг ўрталарига келиб олтига оиласа Сайилжой кўчасидаги ҳали қурилиши туталланмаган кўп қаватли 19-йдан хонаонлар ажратилиб, оила бошлиқлари кўлига «Бепул хусусийлаштирилиб берилди» деган давлат «ордери» ҳам топширилди.

Бударнинг ҳаммаси шаҳар ҳокимининг 1995 йил 12 сентябрдағи 154-рақамли фармойиши билан расмийлаштирилган, албатта.

Сиртдан қараганда, кўпчиликка қийин кўринган уй-жой муммоси осонгина ҳал бўлгандай. Ҳужжатларга ишонадиган бўлсан, уй бузилган биронта оила кўчада қолмади, азият ҳам чекмади. Аввалин уйларидан қолишмайдиган янги уйга эга бўлдилар. Бунинг устига, уй шаҳар марказида, шундоккина Мустақиллик майдони бикинида. Кўплар бу ерда яшашни орзу қиласидар. Унда нега Наргиза Суярова шикоят ёди, деган савол туғилиши муқарар. Бунинг ҳам сабаби бор. Ҳолва деган билан оғиз чучимас экан. Ваъза ваддатлигича қолиб кетди, ҳокимнинг қарори бажарилмади. Сайилжой кўчасида бунёд этилаётган беш қаватли янги уйнинг эндиғина уч қаватига девор

кўтарилиди холос, унинг неча йилда битишига ҳеч ким кафолат беролмайди.

-- Ёзиш ниятим йўқ эди, -- дейди Наргиза. -- Пенсионер ота-онамнинг уйига тикилишиб қолдик. Ўн бир жонмиз, ёзда укамни уйлантириштапти. Келин туширишга эса буш хона йўқ.

Бошқа оиласар ҳам шундай қийналишаёттаниннинг гувоҳи бўлдик. Ва мазкур уйнинг бузилиши амалдаги қонунларимизга тўгри келадими, фуқароларнинг ҳақ-хуқуқлари поймол этилмаяпти, деган фикрлар кечди ҳаёлимиздан.

Хусусий уй қайси ҳолларда, ким томонидан, қандай тартибда бузилиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида, вилоят давлат мулкини бошқариша тадбиркорликни кўллаб-куватлаш бошқармаси бошлиги Алишер Истроилога мурожаат қилдик.

-- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54 ва 58-моддаларида хусусий мулк даҳллизиги ва давлат томонидан ҳимояланishi таъкидланган, -- дейди у. -- Шунингдек, бу хукуқлар «Мулкчилик тўғрисида»

ги Қонунда ҳам акс этирилган. «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 7 ва 8-моддаларидан эса, фуқароларнинг уй-жойи бузилган тақдирда ўз хоҳишига кўра ҳамда томонларнинг келишувига биноан текинга хонадон олиш, ёхуд тегиши корхона, муассаса, ташкилот томонидан янги жойдан уй қурилиб, ўз мулклари қилиб берилиши ёки бузилган уй эвзагига товои олиш хукуқи берилади, дейилган.

Шунингдек, 1997 йил 10 январдан кучга кирган «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг 24-бандида: «Фуқароларга мулк хукуқи асосида тегиши бўлган турар жой биноларини бузиши маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Қарори асосида уларга бошқа кулагай ва шинам уй-жой биноси мулк қилиб берилганидан кейин амалга оширилади», деб, ёзиг бўйилган.

Ана шу Қонун талабларидан келиб чиқиб, ўйлаб қоласан киши. Шаҳар ҳокими бу талабларнинг бузилёттанини сезмадимикан? Умуман, мазкур фармойиши тўғри қабуд қилинганми? Өвраи-сарсон бўлиб юрган оиласар қаюн Конунда айтилган «кулай ва шинам» уйларга эга бўладилар? Инсон манфаатлари йилида бу фуқароларнинг конституцияий хукуқларини ким ҳимоя қилиши керак?

Ушбу саволларга шаҳар ҳокимлиги аниқ бир жавоб беради, деган умиддамиз.

Ҳайитбой НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухабири.



ИЛДАН-ЙИЛГА «ЧЎЗИЛИБ» КЕТАЯПТИ

Биз яшаётган М. Қосимов номли кўчада жойлашган кўп қаватли 24-үйда сув таъминоти 1992 йилгача маромида эди. Кейинчалик қувурлар азбаройи эскирганидан совук ва иссиқ сувдан фойдаланиши қийинлашиб қолди. Юқори қаватларга сув чиқмаётганинига сабабли насослар ўрнатилди. Лифт ҳам бир неча йилдан бери бутунлай ишламайди.

Ушбу масала хусусида уй-жой бошқармаларига, шаҳар сув хўжалиги идорасига қилган мурожсаатларимиз инобатга олинмаяпти. Юқори қаватларда яшовчилар ҳар куни челак кўтариб, шаҳар кўчаларида изиллаб юришади. Бир неча соатда ҳал қилинадиган бу масаланинг ойдан-ойга, йилдан-йилга чўзилиб кетаётганига ҳамма ҳайрон. Муясададилар гафлатдан қачон уйғонишади?

**Н. АБДУРАҲМОНОВ ва бошқалар
Фарғона шаҳри .**

ИМТИЁЗ БОРУ, АММО...

Ҳукумат томонидан биз ногиронларга кўпгина имтиёзлар берилган. Масалан, мен иккинчи гуруҳ ногирониман, дармондорилар текин берилшиши лозим. Лекин, ушбу имтиёзлардан фойдаланишимга инсофисиз баъзи дорихона мудирлари тўғаноқ бўляятилар. Керакли дориларни текин ёки 50 фоиз имтиёз билан олиш негадир мушкул бўляяпти. Агар шу ҳол давом этаверса, бунақа имтиёзларнинг кимга кераги бор?

Бир сафар касаллигум оғирлашиб қолди. Ҳаким бир ҳафта давом этган сансалорликдан кейин (?) охри «текин рецепт» қоғозини ёзид берди. Дори олиш учун туманимизнинг тўртинчи даҳасида жойлашган дорихона мудири Учқун Ахборхўжаевга учрашдим. У эса юлгичлик қилди. Бир қутти 10 миллиграммлик «Новокаин» ўрнига 5 миллиграммгини бериб, белгиланган ҳақимнинг тенг ярмини уриб қолди.

**А. АСИЛОВ,
Мирзо Улугбек тумани.**

ЭНДИ ЕТАДИМ ДЕГАНДА...

Навоий шаҳри ҳокимлиги томонидан шаҳардаги ишларни қилинадиган Ҳазора қишлоғининг ўз қисмидан 550 гектар ер дала ҳовли қуриш учун ажратиб берилган эди. Қувурлар тортилди, 20 километрга насос станцияси қуриб, ишга туширилди. Асфальт ётқизилиб, автобус қатнови тўлга қўйилди. Ишчи-хизматчилар яхши кайфият билан уй-жой қуриши. Шаҳардаги азот ва химия заводларининг қўлсанса ҳиди анқиб турган диккина-фасликдан сиқилган шаҳарларликлар анча яйрагандек бўлишиди.

Аммо етдиму қоқилдим, деганлариdek, бирданига автобус қатнови тўхтаб қолди. Дала ҳовлиларигача бўлган масофа жуда узоқ. Бу ишларни ўз қарамогига олган корхона раҳбарлари мазкур муммога эътибор бермай қўйишди. Бир неча бор мурожсаат қилишишига қарамасдан юқорида тилга олинган ташкилотлар ёрдам беришмаяпти. Одамлар қилган меҳнатига ачиниб, ўзлари учун малол келсада, қиммат бўлишига қарамай, ўловчи машиналарда қатнашмаяпти. Аммо, кўпчилик ўз дала ҳовлиларини ташлаб кетишига мажбур бўляяпти. Сизлардан ёрдам кутамиз.

**Р. ДАВРОНОВ,
Ҳазора қишлоғи.**



Чўққиларнинг бекаси оху,
Маликаси -- эркаси оху.
Кўзларнингдан айланай, сенинг



Изларнингга бойланай, сенинг:
Кара, симёточнинг учиди,
Хас-чўт кулбасининг ичиди



Баҳтдан энтиқади қўш лайлак,
Кўнглида оплоқ ўй, оқ тилак.
Дунё бир гўзалdir, оқбилак...

БИРОРГАМ ТАНҚИД НАТИЖАСИЗ ҚОЛМАЙДИ

«КЛУБ ВА СТАДИОНЛАР НЕГА ҚАРОВСИЗ»

«Халқ сўзи» 1996 йил, 10 декабрь

**Лоқайдлик, боқибекамлик натижасида
ночор ахволга тушиб қолган жойлардаги
клублар, стадионлар тилга олинган ушбу
танқидий мақола юзасидан қўйидаги жавобни
олдик:**

«Мазкур мақола Зомин тумани ҳокимлигининг кенгайтирилган йигилишида мудокама қилинди. Унда қайд этилган танқидий фикрлар юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. А. Тоиров номли, «Ғалаба» ижара ширкатлари бирлашмалари раҳбарлари Ж. Мирзаҳмедов ва А. Холматов ҳўжаликларининг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш резаларини барбод қўлганлиги учун вазифасидан озод этилди.

Хозирги пайтда «Ғалаба» ижара ширкат бирлашмасидаги футбол майдони тартибига келтирildi. А. Тоиров номли

ижара-ширкат бирлашмасида футбол майдони ўрнида спорт ва соғломлаштириш маркази қурилиши ҳўжалик ҳисобидан амалга оширилмоқда. Ҳакиқатан ҳам охирги йилларда мазкур ҳўжаликлар раҳбарларининг эътиборсизлиги оқибатида маданий-майший муассасалар бинолари белгиланган мақсадларда фойдаланилмаган. Мавжуд ёзиг кинотеатрлар қаровсизлиги туфайли харобалашиб қолган. Уларни ҳўжалик ҳисобидан таъмирлаш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Туман ҳокимлиги жисмоний-тарбия ва спорт, маданий-оқартив ишларининг оммавийлигини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини жонлантириш, мутасадди раҳбарларга нисбатан талабчанликни кучайтиришини доимий равишда назоратида тутади».

П. СОИПНАЗАРОВ,

Зомин тумани ҳокими вазифасини бажарувчи.



ЧИНОР

...Ансафхон отанинг катта бобоси Шарифхўжа Қози калон оқ пошто таҳтига «тош отганлар»дан бири эди. Тошкент тарихи саҳифаларига «Тош отар» воқеаси номи билан кирган 1892 йилги ҳалқ ҳаракатига бошчилик қилиб, ёши саксондан ошганда узоқ вақт қамоқ, сургунларда яшаган. Шарифхўжа Чор Россиясининг Астрахан губерниясидаги кувғинда юрган чоғларида оғир хасталаниб, ётиб қолади.

ҚАЛОВИНИ ТОПИШДИ

Сирдарёнинг Гудистон шаҳрида ўтган ийли «НЭГ» -- «Новая Экономическая Газета» ҳафтномаси чиқа бошлаган эди. Унинг муассиси «Наби» хусусий фирмаси бўлди. У анъанавий усулдан, яъни почта хизматидан деярли воз кечди. Факат оз сони обуначиларига газетани почта орқали олишмоқда.

«НЭГ» республиканинг турли жойларда 40 нафарга яқин ўз тарқатувчиларига эга. Нархни улар белгилайдилар. Газетанинг тез сотилиши ёки аввалдан келишилган бўйича тарқатилишига қараб ҳар ким ўз нархини қўяди ва бундан хизмат ҳақини чиқарib олади. Шунинг учун ҳам бу вазифани нафақаҳур ва талабадар бажонидил бажаришмоқда.

-- Бизнинг газетани сотишдан фойда олиш эмас, балки рекламаларимиз тез ва кўп тарқалиши қизиктиради, -- дейди «НЭГ -- ЯИР» мухаррири В. Токарев. -- Шу боисдан газета жамоатчиликка жуда арzon нархларда сотилмоқда.

Яқиндан бошлаб «НЭГ»-нинг ўзбекча муқобили -- «ЯИР» -- «Янги Иқтисодий Рӯзнома» чиқа бошлади. Асосан, реклама, эълон ва тижорат хабарлари босиб чиқаришга мўлжалланган ушбу газеталарнинг республикада кўп тарқалаётганинг боиси уларда турмушга, тижоратта, рўзгорга оид қизиклар мақолалар чоп этилаёттандири.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Ҳалқ сўзи» мухбери.

Шунда унга юртига қайтишга руҳсат беришиб, сиёсат билан шуғулланишини ман этишади. Иродаси букилмас қария қолган умрини мадрасада мударрислик қилиб ёшларга хат-савод ўргатишига багишлаган.

-- Раҳматли бобомиз: «Одамларни илм зиёсидан баҳраманд этиш керак, зотан, фозил ҳалқни ёч ким енга олмайди», деган гапни кўп тақорлар эканлар, -- дейди Ансафхон ота. -- У кишидан бир уй нодир китоблар мерос қолган.

Падаримиз ҳам илму урфон йўлидан бориб, ўз замонаси нинг етук уламоларидан бири бўлиб етишдилар. Ансафхон отанинг авлодлари ана шундай фозил интилди. Аввал мадрасада савод чиқариб, сўнгра рус-тузем мактабида ўқиди. 16 ёшли ўспирин узоқ қишлоқларда ёшларга савод ўргатди. Шу

тариқа қарийб олтмиш йиллик умрини ўқитувчилик касбининг покиза нонини еб кечирди. Бу муддат ичиди неча минглаб ёшларга билим бермади, дейсиз. Қизиги, Ансафхон отанинг илк шогирлари ҳозир ўзига ўхшаб кексалик гаштини сурәтган бўлсалар, кейинги лари айни куч-ғайратга тўлиб, турли соҳаларда меҳнат қилишайти. Лекин уларнинг барчасини битта мұқаддас туйғу -- шогирдлик бурчи ўзаро боғлаб туради.

-- Бир куни қўшни маҳаллага тўйга боргандик, -- дея ҳикоя қиласи Ансафхон ота истиқомат қилаётган Ҳамза тумани, Нодира номли маҳалла оқсоқолларидан бири Тожиддин бобо. -- Тўйхонадан чиқсан, саксон ёшлардаги нуроний бир мўйсафид келиб, отани қулоқлаб йиглади. Барчамиз бундай кутилмаган ҳолдан мутассир ёшларга савод ўргатди. Шу

• ПИРУ БАДАВЛАТ КИШИЛАР

бўлиб турганимизда, ҳалиги отахон:

-- Мен домланинг шогирларидан бириман, -- деди жилмайиб. Шунда биз устоз эккан эзгулик уруғларининг беҳисоблигига яна бир карра амин бўлдик.

Дарҳақиқат, аср тенгдоши бўлмиш Ансафхон ота бугун хурмат-иззатда. Невара, чевара ва эвараларининг сони юздан ошиб кетган.

Улар боболари насиҳатларига амал қилишиб, турли илм масканларида таҳсил олишайти, эл-юрт ишига камарбаста бўлишайти. Умр йўлдоши бўлмиш Мухтабар аяни айтмайсиз! У киши отахоннинг қўл-қаноти, сунянган тоги. Бобонинг

шахсий «бисоти»да ҳар турли орден-медаллар бисёр. Аммо биттасини кўкрагига фахр билан тақиб юради. Бу -- хур Ўзбекистоннинг

«Мустақиллик» нишонидир. Ўзининг икронича, ота мустақил Ўзбекистон билан қайгадан дунёга келди.

Хатто, аллақачон тўқилиб кетган тишилари ҳам янгидан ниш уриб чиқди... Шу боис, у киши ҳам руҳан, ҳам жисмонан яшарип бораётгандек.

-- Узоқ умр кўришнинг сири нимада? -- сўраймиз отахондан.

**Ҳалқ
сўзи**

13

15
февраль

-- Ҳалол меҳнатда, -- дейди у қатъий ишонч билан. -- Мен бир умр ана шу ақидага амал қилдим. Ўзгалар дарди билан яшашнинг ҳикмати кўп. Шунинг учун доимо ёшларга ҳалол-пок бўлинглар, элнинг хизматини қилинглар, деб насиҳат қиласман. Чунки элнинг дуосини олган асло кам бўлмайди.

Айтишларича, юз ёшга етган нуроний қарияларнинг дуолари ижобат бўлар эмиш. Шунинг учун Ансафхон отанинг бир оғиз дуосига орзумандлар жуда кўп. Ҳар куни саҳар вақти у киши дуо билан тонгни қаршилаб, күёш уғқа бош қўйганида дуо билан кузатиб қолади. Беш вақт намозида ҳам эл-юрт тинчлиги ва фаровонлиги, Ватан истиқололи, унинг равнақини тилайди. Зоро, доно қариялари бўлган юртнинг эртаси обод, бағри бутундир.

Суратда: Ансафхон ота ва Мухтабар ая фарзандлари, невара, чевара ҳамда эваралари даврасида.

Нельмат ҲАСАНОВ,
Ҳамза туманидаги
Нодира номли маҳалла
оқсоқоли.



• ЧИМДИМ ФИРК

ҚҰЛФИ ДИЛ

ЁКИ ЯНГИЛАНАЁТГАН МИЛЛИЙ РУХ

«Кулфи дили очилди» деган ажаб иборамиз бор. Лекин бу аксарият бир киши ҳақида айтилади. Аслида ҳалқнинг -- миллатнинг ҳам қулфи дили очилган замонлар бўлар экан.

Яқин ўтмишимиздаги мустамлакачилик сиёсати бой мумтоз шеъриятимиз миллий кўнгил қулфининг олтин калити эканини яхши билгани учун ҳам улуғ шоирларимиз асарлари асл моҳияти ҳалқ онгини очиб юборишидан қўрқиб келди. Даҳриёна дунёқараш бизни аждодларимиз пурхикмат сатрлари мағзини чақолмайдиган, ҳатто, уларни буткул терс шарҳайдиган қилиб қўйган эди.

Шундай бўлмаса, авлиё соҳиби сухан -- Бобораҳим Машрабнинг:

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак?
Иброҳимдан қолғон ул эски дўконни на қилай?!

байтидан Худосизлик, борингки, ароқхўрлик топармидик?!
Холбуки, бу ерда Иброҳим пайғамбардан қолган эски дўкон, яъни Макка зиёратига бориш эмас, Оллоҳа (ёрга) ишқиз (бодасиз) ҳаж қилиш маънисиз деб ҳисобланяпти.

Кейинги:

Уройинум бошима саккиз беҳишту дўзахин,
Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни на қилай?!! --
мисраларида эса шоир Эгамнинг васлига мушарраф бўлишни жаннату дўзах тушунчаларидан устун баҳт деб билияпти, холос.

Ғазал охирида айтиб қўйган-ку: «Худо -- гул, бошқа барча мавжудот -- тикан, Оллоҳ -- ҳақ, бошқа барча нарса -- хато», -- деб:

Бир Ҳудодин ўзгаси барча галаттур, Машрабо,
Гул агар бўлса қўлумда, ул тиконни на қилай?!

Художўйлик бундан ортиқ бўладими?!
Фикрлаши ёркига эга бўлғачина шундай ўлаш, ўйимизга яраша талқин этиш имкони яратилди. Мамлакатимизда янти илмий йўналиш -- тасаввуфчунослик пайдо бўлди, жадал ривожланиши босқичига кирди. Бу миллий онгу шууримизда муайян бурилиш ясагани рост.

Яқинда Ҳамза театрида ўйналган «Машраб» драмаси -- янгича талқин меваси. Асарни ёш драматург Эркин Хушвактос ёзган. Уни Турғун Азизов билан Мунаввара Абдуллаева саҳналаштирган.

Энг муҳими, Машраб сиймоси талқинида миллий маънавияти-мизда истиқолол даврида ўз берган ялпи ўзгаришларнинг таъсири сезилиб туриди. Эҳтимол, асл Машрабни тўла англаб этишимизга ҳали анча бордир. Томошибин кўз ўнгиди ёрқин гавдаланган Машраб (Насриддин Рустамов), она (Яира Абдуллаева) ролларига янада сайқал берилар. Чунки илму ижод аҳли тасаввуф назарияси ва амалиёти, суфийлар ҳасти ва аъмолини ўрганиши борасида тинмисиз изланишлар жараёнини бошдан кечиряпти.

Истиқолият даврида онгу шууримизда ўз берган ўзгаришлар «Машраб» драмасини берди. Асар янгилаётган миллий рудни томошибинга юқтириди.

Бу жараён давом этапти.

Бу жараён тўхтамайди.

Миллий маънавий эркинлик -- шу.

Мурод ҲОШИМОВ.

Нельмат АМИНОВ ШУНДА МЕН:



Жияним билан шаҳар айланаб юрган эдик, рӯпаралан кўзлари чақчайган, ҳаво иссиқ бўлишига қарамади одми костюм-шим, эски духоба шляпа кийган бир киши менга қараб жилмайиб кела бошлади. Ким бўлди экан? Башараси танишув, лекин оти ҳам, қаерда ишлаши-ю, қаерда кўрганим ҳам эсмда қолмабди.

-- Ҳа, Мавлоно, -- деди у қироат билан, -- танимадилар! Мавлоно демаганда, эҳтимол бутунлай танимаган бўлардим. Бу Мэлс Донаев! Бундан ўтилча олдин Киров номидаги шаҳар халқ ижодий уйида очилган драма туғаригига бирга қатнашардик. Бўйимиз бир қарич бўлса-да, мен Навоий ролида, у Мансур ролидага ўйнаганмиз. Ушанда Мэлс қишлоқ хўжалик техникумида, мен институтда уқирдик.

-- Нега танимас эканман, -- дедим ҳушмёр тортиб, -- Сиз, ўша Мэлс Донаев-да.

-- Бале! -- деди у саҳна тилида, -- унуммагандари учун ташаккур. Ажойиб даврлар экан, ўша йиллар.

Мэлснинг қўлида бурчагига «Ўзбекистон қорқулчилари V қурултой» деган белги қўйилган эски қора папка бор эди. Хол-аҳвол сўрашдик.

-- Энди гап бўндоқ Мавлоно, -- деди у кўлини қаттиқ қисиб, силкиркан. -- Бир меҳмон бўлуб кетасиз.

-- Бошқа вақт.

-- Йўқ, бошқа вақт эмас, ҳозир. Гапни кам қилинг, мавлоно. Борасиз, вассалом. Кўркманнинг, заҳар бермайман, -- деди у «Алишер Навоий» драмасидаги кўринишни эслаб. -- Борсантиз кўрасиз, ажойиб ихти褶орларим бор. Етти ўйлаб тушингизга кирмаган. Ёзувчилик, эҳтимол янги бир асар туғилар. Кетдик. Дарвоқе, бу укани таништирмадингиз.

-- Жияним, Муроджон, мадрасада ўйиди.

-- Химм, тузук-тузук. Дини Исломга кенг йўл очилгани зап яхши иш бўлди-да. Юринглар, машина тайёр, бир пасда гиз этиб борамиз.

Муроджон билан «бўтиқетдик» маъносида кўз қисишиб олдик. Донаев бизни эски масжид қўйисидаги очиқ саройга кўйилган қаноти пачоқ оқ жигулиси ёнига бошлаб кеди. Машинага ўтирас эканмиз:

-- Кишанлаб қўймаса бўлмайди, -- деди у педал ва

Кўшиқчи шоир, марҳум Ўйғун ака таъбири билан айтганда, «Зоҳиджон ханда», яъни Зоҳиджон Обидов билан ўн йилча бирга ишладик. Кадрдан эдик. Бир куни у киши:

-- Мулло Нельматулло, -- дедилар гулдираб, -- шу бухороликларингиз ҳам зап қизиқ одамларда, «Лаби ҳовуз»да Насридин афандига қўшиб эшакка ҳайкал ўрнатишибдими, хо-ҳо-ҳо!

Шунда мен:

-- Ҳа Зоҳиджон ака, Бухорада эшак кам-да, -- дедим. ***

Истеъододли шоир, камтаринсон Толив Йўлдош билан ака-укаимиз. «Қахқаҳа» китобимга

рул чамбарагига уланган кишанин оча туриб, -- ҳозир ўғри кўп ... Менимча, ўғриларнинг ҳам марди кўп бўларкан, -- деди у машинани ўт олдириб, саройдан ҳайдал чиқаркан. -- Нима бўлибди, бир кун миннинг кун эмас-ку, бир пас яйраб ўтирамиз, -- деди «ўғрининг мардлита» ҳақида гапини яқунламасдан.

Мэлс шаҳар яқинидаги ҳовлисига етиб келгунча нуқул ўзи гапирди. Ҳозир ўзи ўқиган техникимуда домла экан. Диссертациясини «тахлаб» қўйганиши. Унинг ҳаммага маълум янгиликларни баланд овозда ҳикоя қилишдан астасекин зерика бошладик. Гоҳида у

ҚАҲҚАҲА

жалам ҳаққи олганимни кимдан-дир эшитиб қолибдилар.

-- Сан, номард, шунча пул олибсан, битта шапка олиб берай ҳам демайсан, қара ана буни, яғири чиқиб кетган, -- дедилар.

-- Шапка сиздан айлансин, Толив ака, -- дедим, -- эрта тушликда келинг, ҳам бирга овқатланамиз, ҳам янги шапка кийиб кетасиз.

Ҳайрашдик. Ўша куни Набижон Бойқўзиев билан ЦУМдан Толив акага янги шапка харид қилдик. Эртасига Толив ака айтилган вақтдан икки соат олдин етиб келди. Янги шапкани бердик.

-- Қаний, -- деди у шапкани

кайиб. -- Оббо... санларни пешо-бингдан ер ёлчириди, катта-ку бу?!

Шунда мен:

-- Зарари йўқ, Толив ака, пайтава ўраб кийсангиз лоппа-лойиқ келади, -- дедим. ***

«Шарқ юлдузи»да ажойиб бир йигит ишлайди. Оти Юсуф. Ҳамкаслари уни «Юсуф тоғиж» дейишади. Юсуфкон адабиётни жуда яхши тушунади. Тил ҳақида баҳслашгандা, кўп пайт ролиб чиқади. Бир куни унга қўнгироқ қилдим. Телефон гўшагини ўзи кўтари.

-- Да-да!

Шунда мен:

-- Дадангиз эмасман, ақангизман, -- дедим.

Халқ сўзи

15

Февраль

ҚАЙРОКИ ГАПЛАР

У боши қиёса тобонини қашлайдиңнан одатикарди.

* * *

«Тобук бир шукумни иккى мағта туимайди». Бу ҳақиқатни айтиш ўтип Афлотун бўлиш шарти эмас.

* * *

«Фомда» сўзи аслида «пайдо»дан келиб инкан. Чунки пайдо бўлишини ўзи ҳам қимлаф ўтиш фонда-да.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

От қолсаннэз обқат ени.

* * *

Ёмир ёкканда саябот олишини унучманни.

* * *

Пиш ковлашанда ғуифи ғипидан фойдаланини.

* * *

Лайланнэз соглом ўсси десанинэз, уни тобук ёшини ва сифилад қолбасини берини.

* * *

Яни тифлининэз обинизни сикса вийб, кўлининизга олвалини.

* * *

Шошбака тухумини тобукка бостириманни.


* * *

Сумалакни косик билан аманни.

* * *

Наврэзда ҳўкизинин шохини мөхлашанда энин (жувоз) ёндан фойдаланини.

* * *



биздан бир саволни сўрар, жавоб беришга улгурмасизданоқ, гапимизни охиригача эшитмай, бошқа томонга ўтлаб кетарди.

Машинани Дарвозаҳонага ҳайдаб кириб, одати бўйича кишин уриб қўйди. Тўғрида боя-роя. Ўнг ва чап томонларда қатор курилган ўйлар. Дарҳатлар оралигига экилган ўйнгича напарном бўлиб гуллаган, сувсирагандай саргайиб ётиби. Мэлс ўйнинг қора папка бор билан саломлаштириди, сўнг, юргур чой обкл, деб буюриди. Қанталдиги меҳмонхонага кирдик. Муроджон, чойни кейин ичармиз, таҳорат суви берсангиз, деб илтинос қўйди. Офтовада сув, сочиқ олиб келинди. Муроджон таҳорат сув, намоз ўқишига ўтирганди, Мэлс мени имлаб дахлизга қақирди.

У ўтлонни очиб, қўйларни ҳайдаб чиқди. Кулранг қўй шохсиз бошини экканча ер исказ, семиз, бақалоқ танасини қўлпилатиди, майдо қадамлар билан юриб кетди. Қўйнинг чўлтоқ супургидек думи ҳам кўтариштандек бўлди, шерикларни кўйимичи билан туртиб беписанд олдинга ўтиб олди.

-- Бир нима сезаярсизларми? -- деб суради Мэлс. «Йўқ» дегандек елка қисидик. У қўйларни «Хайт» дега қайтарди, лекин кулранг қўй изига қайтади, ер исказ, калласини чайқаганча, яқинидаги кўлмакка бориб, тумшугини тикиди, сўнг аввал чўкиб, кейин бутун танаси билан балчиқса ағанади, ўсиқ жунлари қорайиб, бир-бирига ёпишиб қолди.

Мелс кулранг қўйга яқин бор-

ни началниги сўраб келувди. Манман деган қўчкорни икки каллада қочиради...

Ҳақиқатан ҳам Мэлснинг ҳўжалиги ҳавас қўлгулик эди. Каптардан тортиб куркагача, қўй, эчки, сизиг бузоққача бор.

-- Энди сизларга, -- деди у яқиндаги ариқадан сакраб ўтаркан, -- ажойиб бир мўъжизани кўрсатаман, шу янгиликнинг ўзи учун мента академикликни берса бўлди, қани юринглар. -- Ҳовли этагидаги эрганнаки очиб, кўтонга чиқиди. Ўн-ун бештача кўй иссиқда бошларни солинтириб, оғир-оғир нафа олиб турарди. Мэлс «Хушт» деди, ҳамма қўйлар «тур» тарқаб кетди. -- Анови симиз кулранг қўйга дикқат қилинглар.

У ўтлонни очиб, қўйларни ҳайдаб чиқди. Кулранг қўй шохсиз бошини экканча ер исказ, семиз, бақалоқ танасини қўлпилатиди, майдо қадамлар билан юриб кетди. Қўйнинг чўлтоқ супургидек думи ҳам кўтариштандек бўлди, шерикларни кўйимичи билан туртиб беписанд олдинга ўтиб олди.

-- Бир нима сезаярсизларми? -- деб суради Мэлс. «Йўқ» дегандек елка қисидик. У қўйларни «Хайт» дега қайтарди, лекин кулранг қўй изига қайтади, ер исказ, калласини чайқаганча, яқинидаги кўлмакка бориб, тумшугини тикиди, сўнг аввал чўкиб, кейин бутун танаси билан балчиқса ағанади, ўсиқ жунлари қорайиб, бир-бирига ёпишиб қолди.

Мелс кулранг қўйга яқин бор-

ни началниги сўраб келувди. Манман деган қўчкорни икки каллада қочиради...

Ҳақиқатан ҳам Мэлснинг ҳўжалиги ҳавас қўлгулик эди. Каптардан тортиб куркагача, қўй, эчки, сизиг бузоққача бор.

-- Энди сизларга, -- деди у яқиндаги ариқадан сакраб ўтаркан, -- ажойиб бир мўъжизани кўрсатаман, шу янгиликнинг ўзи учун мента академикликни берса бўлди, қани юринглар. -- Ҳовли этагидаги эрганнаки очиб, кўтонга чиқиди. Ўн-ун бештача кўй иссиқда бошларни солинтириб, оғир-оғир нафа олиб турарди. Мэлс «Хушт» деди, ҳамма қўйлар «тур» тарқаб кетди. -- Анови симиз кулранг қўйга дикқат қилинглар.

У ўтлонни очиб, қўйларни ҳайдаб чиқди. Кулранг қўй шохсиз бошини экканча ер исказ, семиз, бақалоқ танасини қўлпилатиди, майдо қадамлар билан юриб кетди. Қўйнинг чўлтоқ супургидек думи ҳам кўтариштандек бўлди, шерикларни кўйимичи билан туртиб беписанд олдинга ўтиб олди.

-- Бир нима сезаярсизларми? -- деб суради Мэлс. «Йўқ» дегандек елка қисидик. У қўйларни «Хайт» дега қайтарди, лекин кулранг қўй изига қайтади, ер исказ, калласини чайқаганча, яқинидаги кўлмакка бориб, тумшугини тикиди, сўнг аввал чўкиб, кейин бутун танаси билан балчиқса ағанади, ўсиқ жунлари қорайиб, бир-бирига ёпишиб қолди.

Мелс кулранг қўйга яқин бор-

ни началниги сўраб келувди. Манман деган қўчкорни икки каллада қочиради...

Ҳақиқатан ҳам Мэлснинг ҳўжалиги ҳавас қўлгулик эди. Каптардан тортиб куркагача, қўй, эчки, сизиг бузоққача бор.

-- Энди сизларга, -- деди у яқиндаги ариқадан сакраб ўтаркан, -- ажойиб бир мўъжизани кўрсатаман, шу янгиликнинг ўзи учун мента академикликни берса бўлди, қани юринглар. -- Ҳовли этагидаги эрганнаки очиб, кўтонга чиқиди. Ўн-ун бештача кўй иссиқда бошларни солинтириб, оғир-оғир нафа олиб турарди. Мэлс «Хушт» деди, ҳамма қўйлар «тур» тарқаб кетди. -- Анови симиз кулранг қўйга дикқат қилинглар.

15
февраль

16

Ином ал-Бухорий ҳазратлари ўша даврда замон татаб ва эҳтиёжларига кўра энг муҳим ва зарурӣ илмлардан бири ҳисобланган пайтамбаримиз Муҳаммад алайхиссаломнинг ҳадиси шарифларни тўлаш ва чукур ўрганишга алоҳида эътибор берган. Кувваи ҳофизаси (хифз қобилияти) ақл бовар қўлмайдиган даражада кучли бўлган зот манбаъларда қайд этилишича, олти юз мингдан ортиқ ҳадисларни ёд билган. Алломанинг афсонавий бу ноёб истеъоди жуда барвақт, ёшлик йиллариданоқ намоён бўлган. Шу фикримизга муаррихларниң ёғандаридан бир мисол келтирамиз.

Бухоролик таниқли олим Салим ибн Муҳоҳид шундай ҳикоя қилиди: Бир кун, дўстим, машҳур олим Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандийнинг уйига борган эдим, у бироз ачинган ҳолда:

— Э, аттант, сал олдинроқ келганингизда етмиш минг ҳадис ёд билдиган бир болакайни кўрадингиз-да, — деди. Мен ўша заҳотиқ дарҳол орқамга қайтиб кўчага чиқдим ва ҳаёлчан кетаётган бир ёшгина болани тұхтаби:


— Етмиш минг ҳадис ёд билдиган бола сенмисан? — деб сўрасам, у.

— Ҳа, менман, балки ундан ҳам кўпроқ ҳадис биламан, — деди бёпарвонлик билан.

Шу пайтда ал-Бухорий 9-10 ёшларда бўлиб, ҳали у куттоб (боштангич мактабуда таҳсил оларди.

Ҳар қандай давр, ҳар қандай жамият учун ҳам гоитда зарур ва ҳаётин фанлардан бири ҳисобланган пайтамбар алайхиссаломнинг саҳиҳ (ишончили, тўғри) ҳадисларни собит қадамтик билан юйигиши, уларни тартибиға солган, уларни мавзульларга бўлиб, қайд қилиши билан бирга қанчалик саҳиҳ ёки заиф эканлигини текшириб аниқлади. Бу борада ўзи зиёрат қўлган турли злар ва мамлакатлар олимларидан таълим олди, улар билан самарали ҳамкорлик қилди. Унинг устозлари орасида нафакат бухоролик, балки хурросонлик, ироқлик, мисрлик, ҳижозлик ва нишопурлик олимларни учратиш мумкин. Шунингдек, алломанинг шогирдлари ҳам турли злат ва миллият вакилларига мансуб эди. Бундан ўн икки аср муқаддам яшаган буюк ватандошимизнинг том маънода ҳақиқий байналмилал олим бўлганлиги тури миллат вакилларининг илм-фан равнақи, инсоният манфаатлари юлида ҳамжихат ва яқид бўлиб фаолият кўрсатишларига ёрқин ва номинали бир мисодир.

Шарқ мамлакатларига қўлган



томонларида мингдан ортиқ муҳаддислар ҳадис илми билан шугулланганлар. Ином ал-Бухорий элма-эл кезиб, турли савиядаги ровийлардан эшитган ҳадисларни йиққан, уларни тартибиға солган, уларни мавзульларга бўлиб, қайд қилиши билан бирга қанчалик саҳиҳ ёки заиф эканлигини текшириб аниқлади. Бу борада ўзи зиёрат қўлган турли злар ва мамлакатлар олимларидан таълим олди, улар билан самарали ҳамкорлик қилди. Унинг устозлари орасида нафакат бухоролик, балки хурросонлик, ироқлик, мисрлик, ҳижозлик ва нишопурлик олимларни учратиш мумкин. Шунингдек, алломанинг шогирдлари ҳам турли злат ва миллият вакилларига мансуб эди. Бундан ўн икки аср муқаддам яшаган буюк ватандошимизнинг том маънода ҳақиқий байналмилал олим бўлганлиги тури миллат вакилларининг илм-fan равнақи, инсоният манфаатлари юлида ҳамжихат ва яқид бўлиб фаолият кўрсатишларига ёрқин ва номинали бир мисодир.

Шарқ мамлакатларига қўлган

• САРЧАШМА •

Буюк ватандошимиз, аллома Абдуллоҳ
Муҳаммад ибн Ислом ал-Бухорий (810--870) ҳазратларининг ибратли ҳаёти ва баркамол ижоди ҳозир ҳам намуна, сабоқ бўладиган даражада.



• ИККИНЧИ ИСТЕЬДОД =

ЁДИЖИҲИ
ХОГОЗГА БИПИЙ
БУЛМАЙДИ

СЕН ДАРЁСАН...

Мен сени Зухрога қиёс айладим,
Кўлини чўзган билан етиб бўлмайди.
Мен сени Узрга қиёс айладим,
Қанча боқсан билан тўшиб бўлмайди.

Булбулинг қиёси суханинг санинг
Тинглаб адогига етиб бўлмайди.
Сен ҳаёт, беҳиштнинг сара боғисан
Аммо останонгдан ўтиб бўлмайди.

Сен гулсан очилар-очилмас маъсум
Ўзга гулни асло сезиб бўлмайди.
Райхон ҳидарини мен сендан туйгум
Сен борсан узлатга кетиб бўлмайди.

Кошларинг камони ёй мисолидир
Минг истаган билан эгип бўлмайди.
Сен тонг чогидаги шурингсан-шаффоғ
Асло қўллар билан тегиб бўлмайди.

Сен ҳали ёзилиб бўлмаган китоб
Тилсимотсиз асло ўқиб бўлмайди.
Сен дарё уммонга шошилган мудом
Истаган билан ҳам тўсиб бўлмайди.

Гиркўку самандек парвозинг баланд
Ёларинг минг бўлсин тутуб бўлмайди.
Доим кўзларимнинг қарғидасан
Единги қозогза битиб бўлмайди.

АРМОНЛАР АЙТИСИН

Бир кўрдиму оромимни ўйқотдим,
Изларингни излаб ҳар ёна чондим.
Ердами, кўқдами кўрган бўлсалар,
Қайди у моҳитоб, карвонлар айтсин.

Оловланиб офтоб дер, ўша менман,
Ой жилвалар қилиб дейди, ўшшарман.
Оламнинг Сарвари илтижо санади,
Кўнгилда кечганим армонлар айтсин.

Колмади иложим топмайин сани,
Ошиди кеча-кундуз хижронинг гами.
Кўнгилнинг бўлолмас ўзга ҳамдами,
Айланаб-ўргилиб гимонлар айтсин.

Уммонларга боқсан сени кўргайман,
Гузорларга боқсан сени кўргайман.
Булбул хонишида сени тинглайман,
Қарогумда томган гирёнлар айтсин.


Үткур ЖЎРАЕВ.

ГАЗЕТАНИ ЎҚИШАДИ, АММО...

«Халқ сўзи»нинг Хоразм вилоятидаги обуначилари сони бу йил қарийб 60 фонага кўпайди. Бунга вилоятда оммавий-ахборот восита-ларини кўллаб-куватлаш максадида ўтказилган шанбалик катта ёрдам берди. Шанбалицдан тушган 10 миллион сўмга яқин маблағ газета ва журнallарни моддий кўллаб-куватлаш ва обунани имтиезли ўтиши учун сарфланди. Шу йил билан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари обуначиларинг сони 1500 тага ортди.

Бу яхши, албатта. Бирор қалам ахлининг машаккатали меҳнати, қалб кўридан яралган газета ва журнallарни обуначиларга тарқатиш почта алоқаси ходимларининг айни билан ниҳоятда қониқарсиз ахволга келиб колди... Обуначиларга кунданлик газеталар 2-3 кун, батъян ҳафтагаб табиб бормаяти. Узбекистон алоқа вазирлиги ва унинг жойлардаги музасадиди ташкилотлари раҳбарлари бу ходдан наҳотки бехабар бўлишса!

Абдулла СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



«БЎШ ЎТИРМА»

БЎЙИГА: 1. Дорининг номи. 2. Кунга караб толмайди, кундан кўзин олмайди. 4. Бир даврда яшаган ёки яшайдган одам. 5. Зарурат түғилганда ишлатиладиган имконият, бойлик. 6. Фозил кишилар номига кўшиб айтиладиган сўз. 7. Ер тагида лахм гушт. 8. Оқибатни ўйлаб юритиладиган мулозаза. 10. Кўлнинг букиладиган жойи. 16. Якка ўзи. 17. Ер тагида ёғли камчи. 19. Хунарманд киши. 21. Ошқозоннинг «эшиги». 22. Юксалиш. 23. Шамол бўлмаса унинг уни кимраламайди. 24. Кам топиладиган. 26. Юз ийлиллик давр. 27. Бахайдат дengиз хайвони. 28. Кўк кўйлакка кўп етмас. 32. Отнинг «ковуси». 33. Шавлани баҳридан ўтиш мумкин, уни баҳридан ўтиб бўлмайди. 35. Оғирлик. 38. Даставтал. 39. Нариги дунё. 42. Ой кўрган болта. 43. Игнаси кўп лекин бирорининг тешиги йўқ. 44. Қорагина попиши, деворга ёпиши. 46. Ҳамма органик маддаларнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган кимёвий элемент. 48. Кўрбоши. 51. Ишбози. 56. Утаги колдирадиган, номига дод тушадиган иш.

ЭНИГА:

6. Ошику бекарор тол. 8. Сувокчилик асбоби. 9. Эзингин кенка ойи. 12. Кўғирчок-

симон майда оқ хушбўй гулли ўсимлик. 13. Кишлоп. 14. Кўйларингнинг ўзи. 15. Карнайнинг укаси. 16. Хўжалик бирлашмаси ёки давлат муассасаси. 18. Зиё. 20. Электр токининг ўлчов бирлиги. 23. Узундан узоқ, хавога тузок. 25. Ачиқ киноя. 27. Афсунгар. 29. Кизларингнинг комати ўхшатиладиган дарахт. 30. Содда, сипо. 31. Баланд темир ўй юрар, бурни тогларни сурар. 34. Товуқлар «чўпонни». 37. Оқсусак. 41. Бахорнинг аввали. 43. Ранг. 45. Ҳусн ила ҳат. 47. Ҳамма нукталари марказдан баравар узоқлиқда бўлган ёпиқ эгри чизик. 49. Денгиз. 50. Кимматли тош. 51. Ҳонгўшишининг оддий пёйда аскари. 53. Толеи баланд. 54. Арманистондаги тог. 55. Отамнинг укаси. 56. Утаги колдирадиган, номига дод тушадиган иш.

АЙЛНА БЎЙИЧА: (Соатига мили ўнанда ишида). 2. Терак учида хум, ичиди кум. 3. Навбатга турган бир туп одам. II. Жосус. 25. Тебранади, жони йўқ. 36. Темир ўйлудан ўтиш жойи. 40. Шифобаш хонаки гул. 52. Чорва ичиди шайтон, соколи узун султон. 57. Экиш учун олиб кўйилган дон. 58. Ҳийла.

Тузувчи: Илҳом ЗОЙИРОВ.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
А. УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хаттар 33-07-48;
Меросева қадриматлар 36-29-89;
Кишлоп ҳужумалик 36-07-94;
Истисодийт 36-36-65;
Малъавалим 36-35-60;
Туғли мухарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25. Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-йй.
Намбати мухарририлар—
Н. Тошев, Ш. Каримов,
Комплексларда саҳифаларини
Рустем Азимов.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

Руҳийдан ўтиши тартиби № 0001 Буюртма Г. — 029 40429 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоб. Офсет усулида босилган. Коғоз бичими А-2 Босинга тошишини нақти—21.00

Сотуши зерини наҳада.

«Шарқ» кашриёт-жетбас консерви босмахонаси.

Кордовга мажилиси: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида теради ва саҳифаларни.

Босингга топширилди — 01.30

1 2 3 4 5 6